VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

46 (107) 2010 йил 10 ноябрь, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган
www.milliytiklanish.uz

"Онажоним, табиат"

Табиат қўйнида ўтказилган ўзбек миллий ўйинларини ўзида мужассам этган турли спорт мусобақалари, табиат манзаралари, ён-атрофдаги яшил бойликлар тасвирини қоғозга туширишш, асфальтга расм чизиш бўйича ўтказилган беллашувлар болаларга бир олам завқ-шавқ улашди.

3-бет

Саҳрои кабир "тажрибаси"

Чўлланиш жараёни деярли барча қитъаларда, кўпроқ Африка, Осиё, Австралия ҳамда Жанубий Американинг қурғоқчил иқлимли ҳудудларида кузатилмоқда. Ўрта Осиёда Орол денгизи ва Оролбўйи регионида ҳам мавжуд бўлиб, танг экологик ҳолат юзага келган.

7-бет



Нақшинкор битиклар

Юртимизнинг тарихий обидаларида, қадимий биноларнинг пештоқларию равоқларида хаттотлик, безак санъатининг ажойиб намуналари сақланган. Мазкур намуналарда у ёки бу фикр моҳирлик, санъаткорона дид билан ифода этилган.

8-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини, халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси эканини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам – Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2010 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 16 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2010 йил 16 ноябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 9 ноябрь

Баркамол авлод — юрт таянчи

ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

Миллий манфаатларимиз устувор

ЎзМТДП Хоразм вилояти кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи ва ундан келиб чиқадиган вазифаларга бағишлаб **"Ватанимиз миллий манфаатлари биз учун муқаддас"** мавзусида семинар ташкил қилди.

- Юртбошимиз ўз нутқида халқаро ҳамжамият эътиборини Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар, мамлакатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экологик муаммолар ҳамда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш йўлларига қаратди,- деди семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам Турсунов. – Давлатимиз раҳбари ушбу масалалар ечими юзасидан ўз ташаббусларини илгари сурди ва бу, шубҳасиз, халқаро жамоатчилик орасида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, ён қўшнимиз Афғонистонда 30 йилдан буён давом этиб келаётган урушга чек қўйиш, мамлакатни иқтисодий жиҳатдан тиклаш, ижтимоий гуманитар инфратузилмани вужудга келтириш, одамларни тинч меҳнатга қайтариш бўйича Юртбошимиз ташаббуслари халқаро жамоатчиликнинг алоҳида эътиборини қозонди.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан партиянинг Урганч шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси О.Чўпонов, "Урганч оқшоми" газетаси бош муҳаррири, шоир Сотим Аваз, ФЖЎИ Хоразм вилоят филиали директори ўринбосари М.Бекжонов ва бошқалар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар эканлар, Президентимиз ўз нутқида XXI асрда инсоният юзма-юз келаётган глобал муаммолар ва таҳдидларга қарши курашиш борасида илгари сурилган бир қатор амалий таклиф ва ташаббусларга алоҳида тўхталдилар.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Депутатлар янги қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг икки кунлик мажлиси давомида ўн иккита масала, жумладан тўққизта қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Депутатлар ўз ишларини «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15 ҳамда 18-моддаларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан бошлаб, уни узил-кесил таҳрирда қабул қилдилар ва у Сенатда кўриб чиқиш учун юборилди.

Ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари, барча фуқароларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатда суғурта фаолиятини янада ривожлантириш муҳимлигини таъкидладилар.

2-бет

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ

Одамлар ишончига эришмоқ осон эмас

мустақил фикрловчи, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга бўлган шахсни шакллантиришда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, хусусан маҳаллалар муҳим ўрин тутади. Сиёсий партиялар нега бу имкониятдан етарли даражада фойдаланишмаяпти?

3-бет

АНЖУМАН

Термиз шаҳридаги Археология музейида ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан "Миллий тикланиш ғояси – миллий манфаатларимизга ва баркамол авлод тарбиясига хизмат қилсин" мавзусида анжуман ўтказилди.

Миллий тикланиш ғояси

миллий манфаатларимизга ва баркамол авлод тарбиясига хизмат қилсин

Унда Олий Мажлис Сенати аъзоси, ЎзМТДП вилоят, туман ва шаҳар кенгаши Ижроия қўмита раислари ва раис ўринбосарлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатлари, "Ёшлар қаноти" ва "Аёллар қаноти" етакчилари, партия фаоллари, ФЖЎИ Сурхондарё вилояти минтақавий ахборот-таҳлил маркази, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бошқаруви, республика ҳамда маҳаллий ОАВ вакиллари иштирок этди.

3-бет

ФЕСТИВАЛЬ

"Янги авлод — 2010"

Ўзбекистон Давлат консерваториясида "Янги авлод-2010" болалар ижодиёти фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Мазкур танлов 2005 йилдан буён Фонд Форум томонидан анъанавий тарзда ёш истеъдодларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказиб келинмоқда.

Мазкур фестиваль 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган ёш истеъдодларга мумтоз ва миллий чолғу, вокал, тасвирий ва амалий санъат ҳамда адабиёт йўналишларида ўз қобилиятларини синаб кўриш имкониятини беради. Ёш истеъдод эгалари учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтаётган мазкур фестивалнинг республика босқичи 13 ноябрдан 16 ноябрга қадар пойтахтимизда бўлиб ўтади.

Якуний гала-концерт ва лауреатларни тақдирлаш маросими 17 ноябрь куни пойтахтимиздаги "Истиқлол" саройида ўтказилади. Унда ғолиблар анъанага кўра, ўзбек эстрадаси юлдузлари билан бир саҳнада ўз истеъдодларини жонли намойиш этиш имконига эга бўладилар. Ғолибларга Фонд Форум дипломлари, пуллик грант ва эсдалик совғалар тақдим этилади.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА

МАДАНИЙ МЕРОС

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, тарихий-маданий меросларр, халқ оғзаки ижодини асраб-авайлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Юсуф Хос Ҳожиб

ёхуд "Қутадғу билиг" оламига бир назар

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов томонидан Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотурудий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк арбобларимиз, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мутафаккирларимизнинг номлари, асарларини қайта тиклаш борасида улуғвор ишлар қилинди. Шубҳасизки, бу борада Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий каби жаҳон маданияти ва цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган алломалар ҳам борки, улар томонидан яратилган маънавий дурдоналар сарчашмаси, маданий мерос, қадриятлар мажмуаси саналган асарлари ҳозир ҳам ўз аҳамияти, қадри ва таъсирини йўқотмаган.

Она тили фақат алоқа, ўзаро мулоқот воситасигина эмас, балки инсон маънавиятининг инъикоси, унинг ташувчиси ва ўтказувчиси ҳамдир.

5-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



НИГОҲ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Депутатлар янги қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Депутатлар шуни алоҳида қайд этдиларки, ушбу ҳужжатни қабул қилиш зарурати Ўзбекистон суғурта бозорида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан боғлиқдир. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда суғурта фаолиятини тартибга солишнинг янада тушунарли ва аниқ ҳуқуқий механизмларини яратишга, қонун нормаларидаги мавжуд ҳуқуқий қарама-қаршиликлар ва номувофиқликларга барҳам бериш имконини яратади, бу эса қонун ҳужжатлари нормаларини бир хилда қўллашни ҳамда суғурта фаолияти билан шуғулланувчи субъектларнинг қонуний манфаатлари тўлақонли рўёбга чиқишини таъминлайди.

«Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси темир йўлларда ташиш соҳасини республика ичкарисида юкларни ташиш хизматлари тарифларининг чекланган даражаларини белгилаш орқали давлат томонидан тартибга солишга йўналтирилган. Ушбу Қонун ҳам қабул қилинди ва Олий Мажлис Сенатига юборилади.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, қонун ҳужжатларини бирхиллаштириш ва хўжалик субъектларини текшириш жараёнида янада мақбул шароитлар яратиш мақсадини кўзлайди. Қонун лойиҳасида «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг алоҳида моддаларига тузатиш киритиш таклиф этилди. Муҳокама чоғида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси вакиллари таъкидлаб ўтдиларки, киритилаётган тузатишлар хўжалик юритувчи субъектларда текширувлар ўтказиш бошланган ва тугаган вақтни аниқ белгилаш ҳамда ҳужжат билан тасдиқлаш имконини беради, бу ҳол мамлакатимизда тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш учун янада мақбул шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Баён этилган барча фикр-мулоҳазаларни эшитиб ва муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси мазкур қонун лойиҳасининг концепциясини тасдиқлади ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмитага иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун ҳужжатни маромига етказиш вазифасини топширди.

Шундан сўнг депутатлар Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси бўлган бир гуруҳ депутатлар ишлаб чиққан «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Уни ҳар томонлама муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари таъкидладиларки, киритилаётган ўзгартишларнинг мақсади кодекс моддалари, нормаларини уйғунлаштириш, нормаларни аниқлаштириш, солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасида юзага келадиган низоли вазиятларга барҳам беришдан иборат.

Ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган фикрлар ҳисобга олинган ҳолда, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди ва маромига етказиш учун масъул қўмитага топширилди.

«Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 103-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси коммунал хизматлар бўйича қарзларни ундиришнинг аниқ ҳуқуқий механизмини яратиш мақсадида қабул қилинди. Муҳокама иштирокчилари, хусусан «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари фикрига кўра, киритилаётган тузатишлар судларнинг ишини соддалаштиради ва айни чоғда аҳолини электр энергияси, иссиқлик, газ ва сув билан таъминловчи ташкилотларнинг ишини енгиллаштиради.

Депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмитага ҳужжатни кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказиш вазифасини топширдилар.

Мажлисда кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси матбуот хизмати

ЎзМТДП: «ЁШЛАР ҚАНОТИ»

Самарқандда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан «Дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг тутган ўрни ва роли» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ташаббуслари қўллаб-қувватланди

чунки улар миллий манфаатларимиз ҳимоясига қаратилган

Тадбирда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят Кенгаши аъзолари, партия фаоллари, «Ёшлар қаноти»нинг етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Тадбир Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеяси саммити — Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида илгари сурилган ташаббус ва ғояларни, унинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш ҳамда Президентимиз нутқида кўзланган мақсад-вазифаларнинг амалий ижросини таъминлашда ЎзМТДП «Ёшлар қаноти»нинг тутган ўрни ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирни ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Анвар Мирзаев кириш сўзи билан очди. У Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қўлга киритилган улкан ютуқлар ва бу муваффақиятларга эришиш йўлида ҳал қилинган муаммолар ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида гапириб ўтди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Самарқанд вилоят бўлими бош илмий ходими, профессор Фарҳод Набиевнинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги сўзлаган нутқи - мутахассислар нигоҳида» мавзусидаги маърузаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Маърузачи ўз нутқида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқаро миқёсдаги глобал масалаларни ечишга қаратилган таклифлари, хусусан, Мингйиллик ривожланишнинг асосий вазифалари сифатида давлатлараро тинчлик ва ҳамкорликни таъминлаш, оналар, болалар ва ёшлар муаммоларини ечиш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш хусусида илгари сурган ғоялари халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланганлигини таъкидлади.

Республика Маънавият тарғибот маркази Самарқанд вилоят бўлими раҳбари Йўлдош Суюновнинг «Ўзбекистон Республикасининг тинчликсевар сиёсати дунё ҳамжамияти эътиборида» мавзусидаги маърузасида Ўзбекистон ва БМТ алоқалари ва давлатимиз раҳбарининг ушбу халқаро ташкилот минбаридан сўзлаган нутқларида илгари суриб келаётган таклифлари моҳияти хусусида гап борди.

Тадбирда шунингдек, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони «Ёшлар масалалари» бўлими бошлиғи Маъруф Норқулов сўзга чиқиб, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари «Ёшлар қаноти» етакчилари ва фаолларининг сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровнома якунларини таҳлил қилди.

Умуман олганда, эркин мулоқот тарзида ўтган тадбирда Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодий-ижтимоий ривожланишга эришиш бўйича Ўзбекистоннинг позицияси аниқ факт ва рақамлар орқали таҳлил қилинди.

Ўзбекистон миллий манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг асосий дастурий вазифаси сифатида белгилаган партиямиз давлатимиз раҳбарининг тинчликпарвар сиёсатини қўллаб-қувватлаб, тадбирда бу борада тегишли қарор қабул қилинди.

Юлдуз МАМАЮСУПОВА, ЎзМТДП аъзоси

ФАОЛИЯТ

“Ёшлар қаноти”

ёшлар билан

Мамлакатимизда бугунги кунда кўплаб давлат ва нодавлат тизимидаги электрон ва босма оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда.

Жамиятимизда ички ва ташқи ахборот алмашинуви ҳам демократик тамойиллар асосида йўлга қўйилган. Жумладан, қатор хорижий ОАВлари ва ахборот агентликлари вакиллари юртимизда иш олиб боришмоқда. Юртимиз мислсиз ахборот кенглиги бўлган халқаро интернет тармоғига уланган.

Информацион жамиятнинг афзаллиги шундаки, ахборот етказилишининг тезкорлиги ва маълумот алмашинуви изчиллиги натижасида дунёнинг турли бурчаклари билан бир лаҳзада мулоқот олиб бориш имконияти юзага келди. Бунинг натижасида кишилардаги ахборотга бўлган эҳтиёж тезлик билан қондирилиб, тараққиётга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Аммо дунё бўйлаб тарқалаётган аксарият ахборотлар Ғарб усулига мослашиб, шов-шув кетидан қувиш, воқеага чуқур ёндашмасдан тезкор хулосалар бериш ёки аниқ бир ғаразли мақсадни кўзлаган ҳолда барчага бирдек етказилаётгани баъзи ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатлар тараққиётига соя солаётгани ҳам бугун ҳеч кимга сир эмас. Дунё миқёсида гегемонликка интилиш, қутбланиш ва янги қиёфани шакллантириш устида олиб борилаётган “тадқиқотлар” кейинги пайтларда информацион кўринишда амалга оширилмоқда. Бу жараён ўз навбатида ривожланаётган давлатлар учун бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, айрим ривожланган мамлакатлар ўз манфаатларига хизмат қиладиган информацион ҳокимиятни юзага келтиришга интилиб, ундан миллатлар ва халқлар тақдири, мамлакатларнинг яхлитлигига рахна солиш йўлида фойдаланишга ҳаракат қилишаётгани ҳам бор гап. Айрим сиёсий кучларнинг, ҳатто, ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатувчи турли ахборий хуружларни тарқатишаётгани кишини жиддий ташвишга солади. Улар, айниқса, “инсон ҳуқуқлари”, “демократия” ва “эркинлик” каби олийжаноб “ниқоб”лар воситасида тинимсиз чалғитувчи ахборотлар тарқатиб, ёшлар онги ва қалбига кириб боришга ҳаракат қилмоқдалар.

Бундай хуружлар домига табиийки, энг аввало жамиятда ҳали ўз ўрнини топиб улгурмаган, ижтимоий-сиёсий онг ва тажрибаси шакланмаган ёшлар тушиб қолади. Агар киши онгида бундай ахборотларга нисбатан мафкуравий иммунитет шакланган бўлса, ҳар қандай ахборотни қабул қилишдан аввал таҳлил қилади. Демак, англашиладики тарқатилаётган ахборотнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини илғаш учун маълум савия талаб этилади. Бунинг учун ёшлар таълим-тарбия муассасаларида ахборот-ресурс марказларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, демократик янгиланишлар, модернизация жараёнлари бўйича кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш лозим. Натижада ёшларнинг олаётган ахборотларни тўлақонли таҳлил қила олиш, мустақил фикр юрита билиш қобилиятини юзага чиқаради, фаол фуқаролик позицияси шаклланади. Бунда фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги жамоат ва нодавлат ташкилотлари, айниқса, сиёсий партияларнинг ўрни беқиёс.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ғоя ва мақсадлари ҳамда сайловолди Ҳаракат дастурида ёшларимизни миллий менталитетимиз ва турмуш тарзимизга зид зарарли таъсирлардан асраш, турли таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш муҳим вазифа сифатида белгиланган. ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамияти барпо этишда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, улар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга чуқур ҳурмат ва эҳтиром ҳиссини юксалтириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислоҳотларга нисбатан даҳлдорлик туйғусини пайдо қилиш каби кенг кўламли тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Хусусан, ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” ўз фаолияти давомида ёшларимизни Ватанимиз равнақи ва фаровон келажаги йўлида ягона мақсад атрофида жипслаштириш, уларда фаол фуқаролик позицияси, юксак маънавият, сиёсий онг ва маданиятни шакллантириш, ҳудуддаги тенгдошларимизни ўз сафимизга жалб қилиш ва уларни огоҳлик, ҳушёрликка чақиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айниқса, партия Марказий Кенгаши “Ёшлар қаноти” томонидан ўтказилган чора-тадбирлар ғоя ва мақсадларини жойлардаги тенгдошларимизга янада чуқурроқ ва мукаммалроқ етказишга интилмоқдамиз.

Дилафруз БАҲРИДДИНОВА, ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси

ЎЗ ЎЗИНИ ТАНҚИД

БПТ ўз мақомини оқлаяптими?

партиянинг қуйи бўғинини мустаҳкамлаш ва кучайтиришга айрим партия ташкилотлари эътиборсизлик билан ёндашмоқдалар

Бугун мамлакатимизда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли кучайиб бормоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиш, социал-иқтисодий муаммолар ечимига қаратилган муқобил таклиф ва ташаббусларни илгари суриш, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш сиёсий партиялар олдида турган муҳим вазифалар сирасига киради. Мазкур вазифаларни амалга оширишда эса партиянинг қуйи бўғинлари, хусусан бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутади.

Бошланғич партия ташкилотлари қонунчилик доирасида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориши, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва бевосита фуқароларнинг ўзи билан ҳамкорликда фаолият юритиши партиянинг асосий таянчи ҳисобланади.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳудудий ташкилотлари ва туман, шаҳар кенгашлари қошида уч ярим мингдан ортиқ БПТлар электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда.

Улар ЎзМТДП дастурида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш ва партия ғоясини жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, турли ижтимоий гуруҳ вакиллари билан ўзаро мулоқот, учрашувларда кўтарилган муаммоларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда уларни партия юқори ташкилотлари ҳамда депутатлар ҳукмига ҳавола қилишга кўмаклашмоқда.

Уларнинг фаолияти туман ва шаҳар партия ташкилотлари томонидан доимий тарзда мувофиқлаштириб борилмоқда.

Аммо беш қўл баравар эмас, деганларидек, таҳлиллар айрим партия туман кенгашларида бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш қониқарсиз эканлигини кўрсатмоқда. Масалан, ЎзМТДП Жиззах вилоятининг Бахмал тумани, Самарқанд вилоятининг Пахтачи туман кенгашлари фаолиятини кўздан кечирадиган бўлсак, мазкур ҳудудларда атиги 11 та БПТ иш юритиб, улар томонидан жорий йилнинг бошидан то шу кунга қадар бор-йўғи 3 тагина тадбир ўтказилган.

Шунингдек, айрим вилоятларда бошланғич ташкилотлар сони етарли бўлишига қарамасдан, уларда партия мақсад-ғояларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, партия сафини кенгайтириш, туман, шаҳар, вилоят партия ташкилотлари, маҳаллий кенгаш депутатлари билан алоқани йўлга қўйиш ишлари кўнгилдагидек эмас. Хусусан, бундай аҳволни ЎзМТДП Қашқадарё вилояти Нишон тумани, Сирдарё вилояти Ховос тумани, Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани, Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани, Андижон вилояти Улуғнор туманида кузатиш мумкин.

Юртимизда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини янада ошириш, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий билими, маданияти ва фаоллигини юксалтиришга алоҳида аҳамият қаратилаётган бир даврда айрим партия ташкилотларининг бу жараёнларда оқсаётганлиги ва ўз ишига совуққонлик билан қараётганлиги ачинарли ҳол. Фаолиятимиздаги бу каби камчиликлар эса Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма йиғилишидаги маърузасида таъкидлаганидек, партиялараро рақобатга киришиш, партиямиз мақсад-ғояларининг аҳоли орасига чуқур кириб бориши ҳамда халқ ишончини қозонишда тўсқинлик қилиши кундек равшан.

Зеро, партиямизнинг келгусида жамият ҳаётида қандай нуфузга, кучга ва мавқега эга бўлишини бугунги амалий фаолиятимиз, кўрсатаётган ташаббусларимиз, сайловчилар ва партия хайрихоҳларига берган ваъдаларимизнинг қай даражада уддасидан чиқаётганлигимизни белгилайди. Бу эса биздан ўз фаолиятимизни доимо танқидий таҳлил қилишни ва мавжуд камчиликлардан ўз вақтида тегишли хулоса чиқаришни талаб этади.

ЎзМТДП МК Ахборот хизмати

ПЛЕНУМ

Вазифалар белгилаб олинди

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Хоразм вилояти кенгашининг навбатдаги IV Пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, вилоят, шаҳар ва туман кенгаши депутатлари, партия ташкилотлари раҳбар ва ходимлари, партия фаоллари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Турсунов маъруза қилди. Нотиқ асосий эътиборни партия фаолиятини янада кучайтириш, аъзолар сафини кенгайтириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбирлар сони ва савиясини кўтариш, БПТлар фаолиятини янада яхшилаш, шунингдек, мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларни бартараф этиш каби масалаларга қаратди.

Пленумда сўз олганлар партия раҳбари кўтарган масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

- ЎзМТДП вилоят кенгаши бугунги кунда 17 мингдан зиёд партия аъзосини бирлаштиради, - деди сўзга чиққан ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси О.Чўпонов. - Бу катта куч. Эндиликда ана шундай катта кучдан унумли фойдаланишимиз керак. Бунинг учун бизда барча имкониятлар етарли. Мавжуд хато ва камчиликларни ўрганиш, уларни бартараф этиш чораларини ўйлашимиз лозим. Партия вилоят кенгаши аъзоларидан Д.Бекжонова, С.Эржонова, С.Душанова пленумда муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Пленум партия ташкилотлари ишини янада кучайтириш, депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Сайёра ҲАЙИТБОЙ қизи, “Milliy tiklanish” мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ

Одамлар ишончига эришмоқ осон эмас

мустақил фикрловчи, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга бўлган шахсни шакллантиришда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, хусусан маҳаллалар муҳим ўрин тутади. Сиёсий партиялар нега бу имкониятдан етарли даражада фойдаланишмаяпти?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Халқимизда "Маҳалла – ҳам ота, ҳам она", деган чуқур маънога эга гап бор. Аслида ҳам шундай. Таъбир жоиз бўлса, миллатнинг илдизи, характери, ўзига хослиги ҳамда ватанпарварлик, инсонийлик тушунчалари ва меҳр-оқибат туйғулари, аввало маҳаллада шаклланади. Чунки, дунёга келибмизки ана шу булоқдан сув ичамиз, унинг удумлари, анъаналари ичида вояга етамиз. Сўнг ушбу мўътабар даргоҳнинг меҳр тўла дуосини олиб, қалдирғоч янглиғ узоқларга парвоз қиламиз. Қолаверса, қанчалик олисга учмайлик, ким бўлиб ишламайлик бизни ўша асл "илдиз"имиз ўз бағрига чорлаши, уни соғиниб туришимиз сир эмас.

Президентимиз ўзининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида маҳалланинг роли ва таъсири хусусида шундай дейди: **"Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Шу билан бирга, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда, улар бугун ўзини-ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг кўламли фаолият олиб бормоқда. Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта "маҳалла" тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Маҳалла бошқарувига бундай катта эътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолат беради. Айни пайтда у юртимизда амалга оширилаётган "кучли давлатдан кучли жамият сари" деган тамойилнинг амалий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётимизни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизнинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда".**

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари тизими, хусусан, маҳалла институти ривожланди ва мустаҳкамланди.

Хўш, бугунги кунда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, баркамол авлод тарбияси, тинчлик ва осойишталигимизни таъминлашда муҳим восита бўлмиш маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан сиёсий партиялар ҳамкорлиги қандай йўлга қўйилган?

Партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб ЎзМТДП бугунги кунда Юртбошимиз Фармон ва қарорлари, давлат дастурларини тарғиб-ташвиқ этишда, миллий қадриятлар ва анъаналаримизни асраб-авайлашда, тинчлик ва барқарорликка катта хавф солиб турган терроризм ва диний экстремизм, гиёҳвандликка қарши курашда маҳалла ва ўзини-ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга интилмоқда.

Буни ЎзМТДП Бухоро вилояти ва туман, шаҳар кенгашлари фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин. Айниқса, бу борада партия Олот, Қоракўл, Жондор, Қоровулбозор, Вобкент ва Ғиждувон туман ташкилотлари маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида ташкил этилаётган "Ватан – маҳалладан бошланади", "Гиёҳвандлик – аср вабоси", "Терроризм ва диний экстремизм тинчлик кушандаси", "Миллий ғоя – миллат таянчи", "Баркамол авлод – келажак пойдевори", "Миллий ўйинлар фестивали" каби очиқ мулоқотлар, тадбирлар ва кўрик-танловлар ҳар томонлама етук фарзандларни тарбиялашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Биз вилоятдаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан боғланиб, уларга қайси партиялар сизлар билан фаол ҳамкорлик олиб бормоқда, деган савол билан мурожаат қилдик. Келинг, уларнинг фикрларига биргаликда гувоҳ бўлайлик.

Матлуба ҚОДИРОВА, Қоровулбозор туман "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

- Биз учта партия фаолиятидан хабардормиз. Айниқса, сиёсий партия вакиллари ҳамда депутатлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар моҳиятини тушунтиришга қаратилган тадбирларни тез-тез ўтказиб туришибди. Улар орасида ЎзМТДП фаолроқ, десам янглишмайман. Чунки бу партия фаоллари биз билан тез-тез тадбирлар ўтказиб туришади. Аммо, "Адолат" СДП фаолияти жуда суст.

Жумагул АБДУЖАЛИЛОВА, Коровулбозор туман "Ал Бухорий" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

- ЎзМТДП туман кенгаши биз билан кўпроқ ҳамкорлик қилаяпти. Ёшларни ватанпарварлик ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилган бир қатор тадбирларни мазкур партия вакиллари билан ҳамкорликда ўтказдик. Аммо, туманимизда барча партиялар ана шундай фаол иш олиб бораяпти, деб бўлмайди. Масалан, "Адолат" СДП маҳалламизда бирорта тадбир ўтказгани йўқ. Туманда унинг раиси кимлигини ҳам билмаймиз.

Учқун ОСТОНОВ, Олот туманидаги "Халифа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

- Бугун сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва таъсири ошиб бормоқда. Улар ўртасидаги ўзаро рақобат кучайганлигига ҳам гувоҳ бўлмоқдамиз. Халқимизнинг сиёсий фаоллиги кучайиб боряпти. Одамларда мустақил дунёқарашни шакллантириш ва дахлдорлик туйғуси ҳамда сиёсий партиялар билан ҳамкорлигимиз муҳим аҳамиятга эга. Лекин, ҳар доим ҳам партиялар бу борада фаоллик ёки ташаббус кўрсатишаётгани йўқ.

Туманда кўпчилик "Адолат" СДП ташкилоти қаерда жойлашгани ва унинг раиси кимлигини билмаганлиги боис Қоракўл туман ҳокимлиги масъул ходими Садриддин Раҳимовга мурожаат қилдик.

С.РАҲИМОВ: - "Адолат" СДП туман кенгаши раиси ибн Сино номидаги Бухоро тиббиёт олийгоҳида ишлайдиган ўқитувчи экан. Бу одамни бир ёки икки кўрганман, холос. Исми фамилиясини ҳам билмайман, чунки туман ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаганини билмаймиз.

Демак, маҳаллалар раислари гапида жон бор. Бундан Қоракўл туманида "Адолат" СДП туман кенгаши фаолият кўрсатмаяпти, деган хулоса келиб чиқмайдими?

Ғиждувон вилоятнинг йирик туманларидан бири. Балки бу ерда "Адолат" СДП туман кенгаши тузукроқ фаолият юритаётгандир, деган хаёлда туман марказидаги бир қанча маҳаллалар, жумладан "Дегрезон" маҳалла фуқаролар йиғини билан боғландик. Маҳалла раиси **Гулзода Зарипова** шундай жавоб қайтарди:

- "Адолат" СДПдан ташқари ҳамма партиялар биз билан ҳамкорлик қилиб туришибди. Мен ҳозиргача у партия раиси кимлигини ҳам билмайман...

Тўғри, биз ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши ҳудудий ташкилотларининг барчаси ҳам вилоятдаги ҳамма маҳаллаларга кириб борган, дейишдан йироқмиз.

Масалан, Ғиждувон туманидаги Абдулла Қаҳҳор маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳасан Эргашев лавозимига сайланганига тўрт ой бўлган экан. У саволимизга ҳеч бир партия ҳамкорлиги ёки раислари ҳақида бирор маълумотга эга эмасман, дея жавоб қайтарди.

ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ҳам маҳаллаларнинг яқин кўмакчиси бўлиш, одамларни ўйлантираётган масалаларни ҳал қилишга ёрдам бериш ва энг муҳими, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда ёшларимизни мустақил фикрловчи, ватанпарвар бўлиб вояга етишлари учун ҳали жуда кўп иш қилишлари лозим. Бу борада айрим партия туман кенгашлари ва депутатлар гуруҳларимизнинг фаолиятини қониқарли деб бўлмайди.

Президентимиз парламент палаталарининг қўшма мажлисида партиялар фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, эътиборимизни амалий ишларга қаратишга даъват этдилар. Маҳаллалар эса сиёсий партияларга амалий иш олиб бориш учун катта имкониятлар эшигини очиб берадиган даргоҳдир.

Маннон ОТАБОЙ, "Milliy tiklanish" мухбири

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Партия дастурий вазифалари

ижросини ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди

ХОРАЗМ. ЎзМТДП Янгиариқ туман кенгаши туман халқ таълими бўлимида "Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари" мавзусида тадбир ўтказди. Унда партия ва туман халқ таълими бўлими вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар оиланинг халқимиз маънавий-маданий ҳаётида тутган ўрни, уни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш борасида неча асрлардан буён амал қилиб келинаётган қадриятлар, оиладаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатнинг ёшлар тарбиясидаги ибратли жиҳатлари хусусида фикр билдирдилар. Жумладан, ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Н.Давлетов партия сайловолди Ҳаракат дастурида оила масаласига қаратилган эътибор, хусусан, унда белгиланган "Юксак маънавиятли оила орқали — юксак тараққиёт сари" ижтимоий лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берди. Шунингдек, тадбирда партия ташкилотлари томонидан партия дастурий ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқариш борасида қилинаётган амалий ишлар ва тадбирлар савиясини янада ошириш лозимлигига эътибор қаратилди.

* * *

ЎзМТДП Хазорасп туман кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан "Жангги ота" маҳалласи "Овшар" қишлоғида "Маҳалланг тинч-юртинг тинч" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ЎзМТДП Хазорасп туман кенгаши аъзолари, "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши ва маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди.

ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Р.Жуманиязов давра суҳбатининг аҳамияти борасида гапирди. Шунингдек, маърузачи ўз сўзида партия фаолиятида кенг аҳоли қатлами ичига чуқур кириб бориш, айниқса, партияга хайрихоҳ бўлган ёшлар сонини кўпайтириш ва уларни партия сафига қабул қилиш учун маҳалла идоралари билан ҳамкорликни янада кучайтириш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирди.

* * *

НАВОИЙ. ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан "ЎзМТДП фаолиятини кучайтиришда ёшларнинг ўрни ва роли" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Тадбирда халқ депутатлари вилоят, туман кенгашлари депутатлари, партиянинг "Ёшлар қаноти" фаоллари, Навоий Давлат педагогика институти ва Навоий Давлат кончилик институти талабалари иштирок этди.

Ёшлар мамлакат келажаги, жамият таянчидир. Бугун уларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги бевосита иштирокини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Келажагимиз эгаларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, юртимиз ривожи йўлидаги изланишларини қўллаб-қувватлаш ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Тадбирда сўзга чиққанлар вилоят кенгаши томонидан партия ғоя ва мақсадларини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

- Вилоятнинг барча мавқедаги партия ташкилотларида ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар ўртасида миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга қаратилган тадбирлар ташкил этилмоқда,- деди ЎзМТДП вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" раҳбари Д.Баҳриддинова. – Лекин айрим туман "Ёшлар қаноти" раҳбарлари фаолиятида ташаббускорлик, етакчилик каби жиҳатлар етишмаётгани ҳам кўзга ташланмоқда.

Шунингдек, семинарда партия сафига қўшилган ёшларнинг ҳуқуқий, сиёсий билимини янада ошириш мақсадида вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" қошида "Ёш сиёсий билимдонлар" клубини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди. Ушбу масала тадбир иштирокчилари томонидан маъқулланди ва ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси Дилафруз Баҳриддинова клуб лидери этиб сайланди. "Ёш сиёсий билимдонлар" клубининг келгусида амалга ошириши лозим бўлган ишлари атрофлича муҳокама этилди.

Камолиддин ҲОТАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

АНЖУМАН

Миллий тикланиш ғояси

миллий манфаатларимизга ва баркамол авлод тарбиясига хизмат қилсин

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йиғилишни ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Мусулмонқул Бобомуродов очиб, жумладан шундай деди:

– Маълумки сиёсий партиялар бугунги кунда жамиятни янгилаш ва туб ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этмоқда. ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгашининг жорий йилги фаолияти ҳам ана шу эзгу мақсадларга қаратилди. Яъни, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларни, миллий урф-одатларни, бой тарихий меросимизни асраш ва уни замон руҳи билан бойитиш ҳамда миллий ғояни аҳоли онгига сингдириш, шунингдек, ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда фаол иштирок этиш 2010 йилги фаолиятимизнинг асосини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича ялпи мажлисидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, Термиз Давлат университети профессори, тарих фанлари доктори С.Турсунов "Юртимиз хавфсизлиги – сиёсатимиз бош йўналиши", Олий Мажлис Сенати аъзоси И.Баҳромов "Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати дунё ҳамжамияти эътиборида", ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси мафкуравий ва маънавий-маърифий масалалари бўйича бош мутахассиси Ж.Мирзаев "Партия ҳаётида "Миллий тикланиш" газетаси ва бошқа ОАВларнинг ўрни ва роли" мавзусида маруза қилдилар.

Анжуманда таъкидланганидек Юртбошимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича ялпи мажлисидаги нутқи бугунги кунда ҳар биримизнинг фаолиятимиз учун бош омил бўлмоқда.

Шунингдек, йиғилишда ҳозирги кундаги фаолиятимиз давомида ОАВнинг нечоғлик катта аҳамият касб этиши, айниқса, аҳолининг интернет ҳамда босма ОАВга бўлган қизиқиши ва муносабати, бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Партия нашри - "Миллий тикланиш" газетаси материаллари мазмун-моҳиятининг газетхонларга қай даражада етиб бораётганлиги борасида таҳлилий фикрлар билдирилди ҳамда партия нашри куни муносабати билан газетхонлар билимини синаш мақсадида маърузачи томонидан ёзма сўровнома ўтказилди.

Шу билан бир қаторда, анжуман давомида партиянинг фаол аъзоларига "Миллий тикланиш" логотипи туширилган кўкрак нишонларини топшириш маросими ўтказилди.

Анжуман давомида мавзу доирасида савол-жавоб, таклиф ҳамда қизиқарли баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Тадбир сўнггида ЎзМТДП туман, шаҳар кенгаши раисларига жойларда кун тартибидаги масалалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда давра суҳбатлари, ЎзМТДП нашри - "Миллий тикланиш" газетасига обунани ташкил этиш ва чиқишлар қилишга келишиб олинди.

Раъно ХУДОЙҚУЛОВА, матбуот хизмати котиби

МУРУВВАТ

"Онажоним, табиат"

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши ўзаро ҳамкорликда ана шу номдаги янги лойиҳани амалга оширди

Ёш авлодга шундай таълим-тарбия бериш керакки, у табиатни, атроф-муҳитни кўз қорачиғидай асрашга ўрганган, экологик маданияти юксалган, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббати беқиёс бўлсин. Чунки улар бизнинг келажагимиз. Мамлакатимиз ёшлари ана шундай бахти бекам бўлиб вояга етишлари учун нимаики зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё қилиб берилмоқда.

Айниқса, 2010 йил — «Баркамол авлод йили» муносабати билан барча эзгу ишларимиз замирида уларнинг манфаати ётибди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Сирдарё вилояти кенгаши, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими, Гулистон шаҳар маданият ва истироҳат боғи билан ҳамкорликда ана шу мақсадда 27 октябрдан 2 ноябргача вилоят марказида Гулистон шаҳридаги 16 та умумтаълим мактабларида таълим-тарбия олаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун қизиқарли лойиҳани амалга оширдилар. «Онажоним, табиат» мавзусидаги мазкур тадбирда ҳар куни 100 нафарга яқин ўқувчи иштирок этди.

Замонавий андозага мос равишда яқинда таъмирдан чиққан шаҳар маданият ва истироҳат боғи тадбир учун энг қулай жой, деб топилди. Экология мутахассислари бу ерда болажонларга яшиллик олами ҳақида, она табиат, мевали ва манзарали дарахтлар, инсон учун инъом этилган неъматлар, ҳайвонот дунёси тўғрисида маълумотлар бердилар. Табиат қўйнида ўтказилган ўзбек миллий ўйинларини ўзида мужассам этган турли спорт мусобақалари, табиат манзаралари, ён-атрофдаги яшил бойликлар тасвирини қоғозга тушириш, асфальтга расм чизиш бўйича ўтказилган беллашувлар болаларга бир олам завқ-шавқ улашди. Улар орасидан ғолиб бўлганлар тадбир ташкилотчиларининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Маданият ва истироҳат боғидаги «Эртаклар шаҳарчаси», барча аттракционлар болалар ихтиёрида бўлди.

Ортиқ СУЛТОНОВ

Суратда: «Онажоним, табиат» тадбиридан лавҳалар.
Суратни Қаҳрамон ҚУННОЗОВ олган.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 4 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойишига биноан мамлакатимизда ушбу санани кўтаринки руҳда нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу йил Конституциямиз қабул қилинганига ўн саккиз йил тўлади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, йиллар ўтгани сайин биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳиятини, ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, қадр-қимматини янада чуқурроқ англаб бормоқдамиз.

Ватанимиз тараққиётининг ҳуқуқий асоси

Мустақиллик йилларида ҳаётнинг барча жабҳаларида – эл-юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида қарор топтириш, жамиятни демократлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш борасида қандай улкан муваффақиятларга эришган бўлсак, барчасининг замирида Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқлар, ғоялар, принциплар мужассам эканини бугун ҳар бир юртдошимиз чуқур ҳис этмоқда.

Конституциямиз туб моҳиятига кўра миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида ифода этган. Унда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституциямизнинг иккинчи бўлими "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари" деб номланган. Бу бўлимда инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлари, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари алоҳида боблар ва моддаларда мустаҳкамланган.

Дарҳақиқат, инсон – ҳаёт гултожи. Уни эъзозлаш, манфаатларини ҳимоялаш ҳақиқий демократик, адолатли давлатга хосдир. Бу ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, ёнатрофдагиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ҳаёт тарзига айланган халқимизга хос фазилатлардан. Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, жаҳонда тараққиётнинг ўзбек модели сифатида эътироф қозонган беш тамойил ҳам бутун маъно-мазмуни билан инсон манфаатини таъминлашга қаратилган.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидаги муҳим омиллардандир.

Асосий қонунимизнинг 41-моддасига мувофиқ, ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Фуқароларимизнинг Конституцияда белгилаб қўйилган таълим олишга бўлган ҳуқуқини тўлалигича таъминлаш, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик давлат қуриш йўлидаги кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларимизнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш доимий эътиборда. Давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил Баркамол авлод йили деб эълон қилингани ана шу эзгу ишларнинг мантиқий давомидир.

Баркамол авлод йилига бағишлаб ишлаб чиқилган давлат дастури ва шу асосда бажарилаётган амалий ишлар истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган изчил сиёсатда фарзандларимизга берилаётган эътиборни янада кенгайтириш ва кучайтириш учун янги имкониятларни сафарбар қилишга қаратилмоқда.

Аввало, болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масалаларига алоҳида эътибор берилаётир. Хусусан, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилиш, фарзандларимизни спортга кенг жалб этиш, болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминлаш сингари масалалар шулар жумласидандир.

«Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни болаларни ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг, шунингдек, ота-оналарнинг, васийлик ва ҳомийлик органларининг ёш авлод учун масъулиятини оширишга қаратилгандир.

"Соғлом она – соғлом бола" дастурини амалга ошириб боришни таъминлаш, оналарнинг репродуктив саломатлигини, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактик соғлиқни сақлашни устувор даражада ривожлантириш, тиббиёт хизматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини янада фаоллаштириш орқали соғлом авлодни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, ёшларда соғлом ва аҳил оила қуришга интилишни шакллантириш диққат-эътиборда.

Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш юзасидан ҳукуматимиз томонидан махсус қарор қабул қилиниб, бу йўналишда катта амалий ишлар қилинаётир.

Конституциямиз асосида амалга оширилган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар самарасида ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баравар ўсди, ўртача иш ҳақи 14 баравар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баравардан зиёдроқ кўпайди.

Бугунги кунда Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар мамлакатимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг, шунингдек, Ўзбекистон ўзининг ишончли ва истиқболли шериги деб билаётган жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ҳамкорлик жараёнларининг мустаҳкам ҳуқуқий негизи бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида шу йилнинг тўққиз ойи давомида иқтисодий ўсиш 8,3 фоизни ташкил қилди. Экспорт кўрсаткичлари изчил ошиб бормоқда. Янги-янги ишлаб чиқариш қувватлари, автомобиль йўллари, кўприклар фойдаланишга топширилмоқда.

Кўплаб ижтимоий объектлар – мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари, шифохоналар, маданият ва спорт иншоотлари, замонавий уй-жойлар бунёд этилаётир.

Асосий қонунимизда мулк шаклларининг дахлсизлиги, мулкдорларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган бошқа муҳим қоидалар туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Кичик бизнеснинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши жорий йилнинг тўққиз ойида 48,5 фоизни ташкил қилди.

Президентимизнинг тадбиркорлар фаолиятини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча фармон ва қарорлари эълон қилинди. Ушбу ҳужжатлар тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгайтирди. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ноқонуний аралашувни чекловчи, текширишлар ўтказиш тартибини ҳамда текширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгиловчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида аҳоли ҳуқуқий саводхонлигининг ошиши алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, бу фуқароларнинг демократик янгиланишлардаги иштирокини янада оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда Конституциямизни ўрганиш ва мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар онгига чуқур сингдириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2001 йил 4 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши бунда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мазкур ҳужжат Конституциямизни ўрганишда изчил ва самарали механизм яратилишида муҳим асос бўлди. Унга мувофиқ мактабгача ва умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида Конституциямизни ўрганишга бағишланган махсус курслар ўқитилмоқда. Асосий қонунимизни тарғиб этишга қаратилган махсус дастурлар, қўлланмалар ишлаб чиқилди. Конституцияни ўрганиш ва тарғиб этиш аҳолининг турли қатламлари савияси, манфаатлари ҳамда талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилаётгани яхши самара бермоқда.

Юртимизнинг барча ҳудудларида, корхоналар, таълим муассасалари маҳаллаларда "Конституциямиз – бахтимиз пойдевори", "Конституция сабоқлари", "Сиз Конституциямизни биласизми?" каби мавзуларда кўрик-танловлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этиш анъанага айланган.

Ҳа, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида яратилган миллий қонунчилик тизими муқаддас Ватанимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг бахтли ҳаёт кечириши учун зарур барча омилларга йўл очиб берувчи ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Халқимизнинг фаровон турмуши ва буюк келажагини кўзлаган бу тамойилларнинг ҳаётимизда янада чуқурроқ акс этишига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Нақшинкор ранглар жилоси

«Устоз – шогирд» мактаби амалда

Собир Раҳимов туманидаги 16-умумтаълим мактабида "Устоз-шогирд" мактаби фаолиятига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Таълим муассасаларида жорий этилган «Устоз-шогирд» мактабида малакали ўқитувчи-педагогларга бир нечта ўқувчилар бириктирилган. Таълим-тарбия масалаларида, интеллектуал салоҳият ва изланишларида, касб-кор танлашда улар билан мунтазам шуғулланиш, дарс машғулотларидан ташқари вазифалар бериш устоз мақомига эга бўлган ўқитувчилар зиммасига янада катта маъсулият юклайди.

Туман метод бирлашмаси ташаббуси билан ташкил этилган "Устоз-шогирд" мактаби фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган семинарда тумандаги мактаблардан ўқитувчилар иштирок этди. Унда меҳнат, тасвирий санъат, чизмачилик фанлари ўқитувчилари бирлашиб очиқ дарслар ташкил этишди ва мактабнинг ташкил этиш йўллари, устоз ва шогирднинг бурч ва мажбуриятлари, бериладиган вазифаларни ўзлаштириш мониторинги шунингдек, устознинг маънавий аҳлоқий фазилатлари, дарсдан сўнг ташкил этиладиган тўгарак машғулотларининг аҳамияти хусусида тўхталишди.

— Семинар тумандаги мактабларда ташкил этилган "Устоз-шогирд" мактаби фаолиятини янада ривожлантириш, тасвирий санъат, чизмачилик, меҳнат фанларида интерактив усуллар билан компьютер ва мультимедиялар орқали дарс ўтишнинг афзаллик томонларини таҳлил қилишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятли бўлди,- дейди туман халқ таълими метод кабинети раҳбари Фарида Нозимжонова. — Бу борада устоз ва шогирд шахсий иш режаларини тузиш ва уларни самарали вазифалар билан тўлдириш янада яхши натижа беради.

Тренинг якунида ўқитувчилар томонидан ўтказилган турли мавзуидаги тренинглар мутасаддилар томонидан таҳлил қилиниб баҳоланди.

Наргиза АСАДОВА

Хавфсизлик чоралари

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамкорлигида "Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик чораларини таъминлаш ўқув машғулотларида интерфаол усуллардан фойдаланиш имкониятлари" мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.

Унда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг жойлардаги бошқармалари раҳбар ходимлари иштирок этди. Семинарда асосий эътибор машғулотларни олиб боришда интерфаол усуллардан унумли фойдаланишга қаратилди. Келгусида малакасини оширган мутахассислар жойлардаги мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларининг ўқитувчи ва мураббийлар учун ҳам худди шундай тадбирлар ташкил этишади. Анжуманда 2010-2011 йилларда мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари ўқувчи ва тарбияланувчилари учун ташкил этиладиган машғулотлар интерфаол усулда олиб борилиши режалаштириб олинди.

Маълумотларга кўра, сўнгги ўн йил ичида дунё бўйича 3 минг 800 та зилзила, сел-тошқин, қор-лой кўчкилари юз берган. Натижада 780 га яқин инсон табиий офат қурбонига айланган. Дунёда юз бераётган табиий ҳалокатларнинг 85 фоизи осиё мамлакатларига тўғри келмоқда.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА

ДАСТУР — АМАЛДА

Талабалик — олтин даврим, деган фикр бежиз айтилмаган. Ёшликнинг ана шу бетакрор даврида камолга етаётган йигит-қизлар ҳаётда чинакам ўринларини топадилар. Таассуфки, мамлакатимизнинг турли бурчакларида истиқомат қилаётган ёшлар орасида гиёҳвандлик балосига гирифтор бўлиб қолаётганлар ҳам йўқ эмас...

Ёшлар гиёҳвандликка қарши!

Азиза УСМОНОВА,
ЎзМУ журналистика факультети магистранти

Инсон умрининг кушандаси саналмиш бу бало-қазога қарши курашда теран фикрли ёшлар фаол фуқаролик позициясини намоён этишлари мақсадга мувофиқдир. "Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки беэътиборлик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади, деб таъкидлаган муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида. — Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда". Азал-азалдан буюк аждодларимиз миллий қадриятларни қанчалик эъзозлаган бўлсалар, гиёҳвандлик, ҳаёсизлик каби иллатларга шунчалик нафрат билан қараганлар.

Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройида "Гиёҳвандлик ва ОИТСнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашда маънавиятнинг ўрни" мавзусида мулоқот ўтказилди.

— "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланганидек, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик ва ОИТС каби хавф-хатарлардан асраш энг муҳим вазифаларимиздан биридир,- деди анжуманни кириш сўзи билан очган университет Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Қаҳрамон Қуронбоев. — Бу эзгу йўлда маънан етук, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган, теран фикрли талаба-ёшларнинг ўрни алоҳида!

Анжуманда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги ҳамда наркология диспансери маркази масъул ходимлари гиёҳвандлик балосига ўзини ўзи гирифтор этаётган айрим ёшларнинг фожиали қисматлари ҳақида сўз юритдилар. Тажрибали шифокорлар ёшлар ҳаётига таҳдид солаётган гиёҳвандликнинг олдини олиш, наркотик моддалар тарқатувчиларга қарши курашда яқдиллик зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Мамлакатимизда гиёҳвандлик ва наркотик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича давлат тизими ташкил этилгани ва самарали фаолият юритаётгани бунда муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Мутахассислар фикрича, гиёҳвандлик инсон организми ва руҳий ҳолатига салбий таъсир ўтказиб, сўзсиз таназзулга олиб боради. Гиёҳвандликда ўзини тўхтатиб бўлмайдиган даражада гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш майли пайдо бўлар экан. Бу заҳри қотил моддалар дастлаб хушнудлик, димоқчоғлик, хотиржамлик ҳиссини уйғотиб, кейинчалик касалликка дучор қилар экан. Гиёҳвандликка, одатда, иродаси бўш, нафсини тия олмайдиган, ўткир сезгиларни ўзида синаб кўришга қизиқувчан, руҳан заиф ва ўта худбин кишилар берилувчан бўларкан.

Ёшлар тарбиясидаги айрим нуқсон ва камчиликлар, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиб юрувчи катта ёшдагиларга тақлид ва ҳавас, оиладаги нохуш шароитлар гиёҳвандликка йўл очиши мумкин.

Учрашувда таъкидланганидек, дунёнинг турли ҳудудларида гиёҳвандлик иллати кузатилади. Унинг тури кейинги вақтда кенг ва фожиали тарзда тарқалиб бормоқда. Бу офатнинг олдини олиш учун қатор давлатларда тегишли тадбирлар амалга оширилган. Юртимизда ҳам гиёҳвандликка қарши самарали кураш олиб борилмоқда.

Икки кун давом этган анжуман сўнггида гиёҳвандликнинг аянчли оқибатлари мавзусига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

МАЪНАВИЯТ

МАДАНИЙ МЕРОС

Юсуф Хос Ҳожиб

ёхуд "Қутадғу билиг" оламига бир назар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу ҳақиқат бобокалонларимиз, буюк аждодларимиз томонидан қадим замонлардаёқ пухта англаб етилган. XI асрнинг буюк тилшуноси, мутафаккир олим Маҳмуд Қошғарий халқ орасидаги маънавий дурдоналарни излаб юрган пайтларида кўплаб халқ мақолларини ҳам қайд этган эди. Улар орасида «Ардам баши тил» деган мақол ҳам мавжуд. Унинг маъноси «Ҳар қандай санъат ва фазилатнинг бошланиши тилдан бўлади» демакдир. Демак, боболаримиз тилда инсон маънавиятининг, инсон қилмиши, кечирмиши - фаолиятининг асос ўзакларини мужассам ҳолда тасаввур қилган, шунга ишонган, шу эътиқод билан яшаган. Уларнинг бири Юсуф Хос Ҳожиб эди.

Адиб XI асрда Болосағун шаҳрида туғилиб, Қорахонийлар даврида яшаб ижод этган. Араб тили ва мафкураси ҳукмронлик қилиб турган бир пайтда ўз она тили – туркийда "Қутадғу билиг" номи билан улкан (6645 байт – 13290 мисра) достон яратган. "Саодатга элтувчи билим" деган маънони англатган достон таркибида икки юздан ортиқ тўртлик, бир неча қасида ҳам мужассамлашган. Асарда туркий ёзма адабиётдаги баҳорга бағишланган илк қасида – баҳориёт ҳам мавжуд. Умуман, "Қутадғу билиг" туркий ёзма адабиётдаги илк йирик ва машҳур асар бўлиб, Қорахонийлар давлатининг ўзига хос тузуги сифатида эътироф этилган. Бунинг ўзи ниҳоятда катта маънавий жасорат эди. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, **"Табаррук заминимизнинг қадрига етиш учун биринчи навбатда шу юртда яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини англаб, улуғлаб, уларнинг шу борадаги ибратли анъаналарини янги босқичда давом эттиришимиз керак. Айтиш керакки, маънавий жасорат аввало ўз юртига бўлган муҳаббат ва садоқатда, унинг тақдири учун фидойилик кўрсатиб яшашда намоён бўлади".**

XI аср шароитида Юсуф Хос Ҳожиб ана шундай маънавий жасорат кўрсатган буюк аждодларимиздан биридир. Адиб асарни жуда қисқа муддатда – ўн саккиз ойда ёзиб тугатган. Бу пайтда адиб эллик-олтмиш ёш орасида бўлган. Асарнинг ёзилган йили "йил алтмиш эка эрди тўрт юз била", яъни 462 йилдир. Бу милодий 1069-1070 йилларга тўғри келади. Унда адибни биз 1010-1020 йиллар орасида дунёга келганини тахмин эта оламиз. Демак, Юсуф Хос Ҳожибнинг минг йиллик таваллуди ҳақида гапириш жоиз бўлади. У шоирларни «сўз терувчилар» деб таърифлайди. Сўз адиблар назарида ҳам алоҳида, мўътабар мавқега эга. Юсуф Хос Ҳожиб тил ва сўзга катта баҳо беради. У тилни билим ва ақл-идрок таржимони деб атайди. Бу борада адибнинг айрим фикрларини эслатиш мумкин:

Киши сўз била қўпти, бўлди малик,
Ўкуш сўз башиғ ерка қилди кулик.
(Киши сўз туфайли кўтарилади,
подшоҳ бўлади,
Кўп сўз бошни ерга эгади).
Кишидин кишика қумару сўз ул,
Қумару сўзи тутса асғи юз ул.
(Кишидан кишига қоладиган
мерос сўздир,
Мерос сўзни тутсанг, нафи юз-юздир).

Юсуф Хос Ҳожибнинг талқинича, тилдаги барча сўзларни иккига бўлиш лозим. Уларнинг бир қисми мутлақо айтиб бўлмайдиганлари, иккинчиси эса айтиш мумкин бўлганларидир. Аммо, дейди буюк мутафаккир, ушбу айтиб бўладиганларини ҳам ўн қисмга ажратмоқ керак. Уларнинг эса фақат бир қисминигина ишлатиш мумкин, холос. Қолган тўққиз қисми эса тилга чиқарилмагани маъқул.

Гарчи одамларнинг барчаси гапириш имкониятига эга бўлса-да, тилдан фойдаланишда улар бир неча гуруҳларга бўлинади. Агар одам кўп гапирса, уни лақма, эзма дейишади, борди-ю у мутлақо гапирмаса, бундай одамни гунг, лол деб баҳолашади. Шундай экан, инсон бу борада ўртача меъёрни топиши, унга риоя қилиши лозим. Бироқ бу ўз-ўзича амалга ошадиган ҳодиса эмас. Бунинг учун кишида катта билим, етарли ҳаётий тажриба, энг муҳими, бой маънавий олам мужассам бўлиши керак.

Бундай фикрларни адиб Аҳмад Юғнакий ижодида ҳам кўрамиз. У «адаблар боши тил кўдазмак (сақламоқ)дир», деб Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк»идаги мақолга ҳамоҳанглик билдиради. Адиб Аҳмад сўзни касал руҳ ва дилларга шифо деркан, бунда бадиий сўзни, она тилидаги сўзни эътиборга олганига шубҳа йўқ.

Тилнинг намоён бўлиш шакли нутқдир. Нутқ инсон тафаккурининг, унинг яшаш тарзи, урф-одатлари, керак бўлса ахлоқи, маънавиятининг ҳам намоён бўлиш шаклидир. Инсонлар, одатда ўзларини нутқ орқали намоён қилишади. Олимларнинг кашфиётлари ҳам, шоир ва ёзувчиларнинг ижод дурдоналари ҳам нутқ орқали юзага чиқади. Сўзлашув чоғида, оддий мулоқот жараёнида янги суҳбатдошга унинг нутқи, ўз фикрларини ифодалаш тарзига қараб баҳо берилади. Мазкур ҳолатни кўзда тутиб бўлса керак, XI асрда «Йилқи йидлашу, йалнгуқ сўзлашу» деган мақол истеъмолда бўлган. Унинг маъноси «Ҳайвон бир-бирини ҳидлашиб билади, инсон эса ўзаро сўзлашиб бир-бирини англайди» дегани. Бу бежиз эмас.

Бадиий тафаккур маҳсули

Шарқ – ҳикматлар хазинасидир. У дунёга кўплаб мутафаккирлар, ижод аҳли, олим ва фозил кишиларни етиштириб бергани билан маъруф ва машҳурдир. Уларнинг асарлари, қолдирган улкан мероси бизга, ҳозирги авлодга ҳам жуда катта сабоқ ва намуна мактаби бўлади. Президентимиз ўринли кўрсатиб ўтганларидек, **"Биз мустақилликка эришганимиздан сўнг Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотурудий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд сингари азиз авлиёларимиз, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий, Мирзо Улуғбек сингари алломаларимиз, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк арбобларимиз, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирларимизнинг номларини, асарларини том маънода қайтадан кашф этдик. Лекин бу улуғ аждодларимизнинг жаҳон маданияти ва цивилизациясига қўшган буюк ҳиссасини ёшларимиз биладими? Албатта, билади. Аммо, афсуски, аксарият ҳолларда умумий, юзаки тарзда билади".**

Демак, бу борада қиладиган ишларимиз кўп. Бой маънавий меросимизни замондошларимизга, айниқса, ёшлар онги ва шуурига етказиш энг муқаддас ва муҳим вазифаларимиздан биридир. Энг аввало шуни айтиш керакки, Шарқ бадиий адабиётига ўзгача меҳр ва ихлос қўйган халқлар ватанидир. Бу ерда адабиётга мутлақо бошқача ўлчамлар билан ёндашилган. Шу ўлчамлардан бири адабиётга ҳаётий андозаларнинг намунаси деб, ўзларининг ҳаётга бўлган ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий қарашларига иллюстрация сифатида қарашдан иборатдир.

«Қутадғу билиг» асарида қадимги туркий халқларнинг бадиий тафаккур тарзини кўрсатиб бериши билан алохида илмий-назарий, бадиий-эстетик аҳамият касб этади. Унда келтирилган парчалар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Киши сабр қилса, ўз тилагини топади,
Сабр қилиб турувчи киши оққуш тутади.

Ёки дунёнинг бебақолиги, инсон умрининг муваққатлиги, демакки ундан унумли фойдаланиш зарурати ҳақида ҳам қушнинг тез учишига асосланган образ орқали мулоҳаза юритилади:

Тиригликка инонма, у тушдек
ўтиб кетади,
Омонат бахтга маҳлиё бўлма,
у қушдек учиб кетади.

Бундай ҳикматомуз гапларнинг, ўткир, қанотли сўзларнинг инсон руҳиятига нечоғли кучли таъсир қилишини таъкидлаш зарурати йўқ. Адиб инсонларга панд-ўгит берар экан, бунинг асосини табиатдан, инсонни қуршаб турган муҳитдан топади. Адибнинг назарида ҳаётнинг ўзи, табиатнинг ўзи ибрат ва сабоқ манбаидир:

Ҳамма нарсани кўрдим, ўз уюри
(яъни хили) билан юради,
Киши, ҳайвон, парранда, қурт ўз
уюрини билади.
Эй, эшитгин, элчи боши нима дейди,
Яхши, ёмонни синаб ёшини
яшаган (киши).
Чуғурлаб учаётган чуғурчуқни кўрдим,
Жуфтига боқиб қарасам,
иккаласи ҳам қорадир.
Назар сол, юғоқ оққушга аралашмайди,
Қора қуш оққуш билан жуда
ҳам йироқдир.
Учадиган қуш (ўз) эшини билади,
уюр тузади,
Одамдирсан, аралашадиган
кишингни танла.

Президентимизнинг бир мулоҳазасига эътибор берайлик: **"Нега мен маърифат сўзини кўп такрорлаб, унга алоҳида урғу беряпман? Чунки, жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч – маърифатдир".** Агар шу андоза билан ёндашадиган бўлсак, Юсуф Хос Ҳожибни улкан маърифат, нур ва зиё тарқатувчи мутафаккир сифатида кўрамиз. У яратган «Қутадғу билиг» - дидактик асар. Шунинг учун унинг матнида ахлоқий-таълимий, маърифий-тарбиявий маъноларни ташувчи сўзлар кўплаб қўлланади: билиг-силиг, қилинч-севинч, удуғ-юдуғ, ўқуш-қўшуш, сўз-туз, қуни-куни каби сўзларнинг фақат қофияларнинг ўзидагина кўплаб такрорланиши бежиз эмас. Юсуф Хос Ҳожиб ҳар бир тасвирда: у хоҳ панд-ўгит берсин, хоҳ табиат манзараларининг гўзаллигини куйласин, хоҳ элиг-амалдорларни инсоф-адолатга чақирсин, бари-бир, мисра охирига энг асосий маъно юкланган сўзни суриб қўяди. Шоир йигитликнинг ўтишига ачиниб, қарилик ҳақида гапирар экан, кишиларни йигитликни беҳуда ўтказмаслик, ёшликни ғанимат билиб илм-ҳунар олишга тарғиб қилади, ўзи қўлдан берган йигитликни эса ачиниб тилга олади.

Тил — қалб таржимони

Юсуф Хос Ҳожиб замонасининг ниҳоятда йирик мутафаккири бўлган. У кўплаб фанларни пухта ўзлаштирган. Кўп вақтлар саёҳатларда бўлган. Одамлар орасида бўлиб, донолар сўзини тўплаган. "Қутадғу билиг"да ижтимоий-маънавий ҳаётнинг муҳим бўлган кўпгина масалалари қамраб олинган. Улар ўзининг бадиий-эстетик қимматини ҳозир ҳам тўла сақлаб турибди. Асарнинг биз учун муҳим томонларидан бири ҳам мана шунда. Биргина тил одоби масаласини кўриб чиқайлик.

Юсуф Хос Ҳожиб тил одоби борасида ниҳоятда қимматли фикрлар баён этган. Улар бутун асар бўйлаб қизил ип бўлиб ўтади. Китоб муқаддимасидаги боблардан бири «Тил эрдамин, асғин, мунларин сўзлайур» («Тилнинг фазилати, фойда-зарарлари ҳақида сўзлайди») деб номланган.

Киши тили туфайли қадр-қиммат топади, аксинча, шу туфайли у қадрсизланиши, бошини ёриши ҳам мумкин.



Сўрамасдан олдин сўзларини сўзласа,
Уни ким, эй йилқи, деса,
тўғри айтган бўлади,
Яна телба, тентак киши шуки, билгин,
(Сўз) сўрамаган бекларга сўзга тил очса,
Қизил тил сени қисқа ёшли қилади,
Эсон бўлайин десанг, сен
уни қаттиқ боғла,
Ўзини тутган эл нима дейди, эшитгин,
Ўзини тутган киши фароғатда
эсон-омон яшайди,
Қора бошинг ёви қизил тилдир,
У қанчадан-қанча бошларни еди,
яна ҳам ейди,
Бошим омон бўлсин, десанг,
тилингни эҳтиёт қил,
Тилинг истаган бир кунда бошингни ейди.

Инсондаги тил ўзаро мулоқот учун берилган. Юсуф Хос Ҳожиб назарида тилдан икки тоифа одам фойдалана олмайди: биринчиси туғма соқовлар, кейингиси эса билимсиз кишилар. Билимли кишилар тили билан ўз билимларини бошқаларга юқтиради. Шу ўринда адиб ниҳоятда ўринли, ҳаётий ўхшатиш топади. Билимлининг сўзи гўёки оқиб турган зилол сув кабидир. Сув оқизилса, ерда анвойи неъматлар униб чиқади. Оқар сув қанчалик оққани билан тугамайди. Билимдон одам гапирганида ҳам эзгу ҳис-туйғулар шаклланади. Демак, билимли кишиларнинг сўзлари, панд ва ўгитлари ўсимликка табиий зилол сувнинг таъсири каби ҳаётбахш ва фойдалидир.

Бошқа бир ўхшатиш янада таъсирли: билимлининг кўнгли чим ўсадиган ерга, билимсизнинг кўнгли қуруқ қумга ўхшайди. Биринчи ҳолда, қаерга оёқ қўйилса, ўша ердан сув чиқиб келади. Қуруқ қумга дарё оқизилса ҳам наф йўқ: у йўқ бўлиб кетаверади. Демак, сўзни ҳар кимга сўзлаш маъқул эмас, тинглайдиган одам ҳам билимдон, зукко, бир сўз билан айтганда зарурий сўзларни эшитиш учун муносиб бўлмоғи шарт.

Ёмон – яроқсиз сўзларни қўллаш – нодонлар иши. Одам сўз туфайли азоб чекиши ёки ундан наф олиши мумкин. Одамнинг тани учун озиқ оғиздан (бўғзидан) киради. Киши руҳининг озиғи эса сўздир. У қулоқдан киради.

Табиийки, дунёда сўз кўп. Уларнинг қай бирини ишлатиб, қай биридан тийилишнинг йўл-йўриқлари қандай бўлади?

Қадимдан Шарқ халқларида сўзга алоҳида эътибор билан қараш ҳукм сурган. Сўзга алоҳида сеҳрли мўъжиза сифатида қаралган. Юсуф Хос Ҳожибнинг «сўзнинг ўрни - сир» дейишида ҳам шу ақида таъсирини кўрамиз. Мутафаккир тилдаги барча сўзлар ўн гуруҳдан иборат дейди. Аммо улардан тўққиз ҳиссаси мутлақо тийиб туриладиган ва фақат бир ҳиссасигина тилга чиқариладиганидир.

Агар сўз ўз ўрнида қўлланилар экан, у сўзловчига саодат келтиради. Уни «бўз» ердан яшил кўкка кўтаради». Аксинча бўлса, сўздан усталик билан ўз ўрнида фойдаланишнинг устидан чиқмаса, кишининг қадри пасаяди, бундай сўз кишини «яшил кўкдан ерга индиради».

Инсонда шундай ҳис бўлиши лозимки, у оз ва кўп сўзнинг айирмасини туйсин. Бу фикр исботи сифатида Юсуф Хос Ҳожиб шундай тўртликни келтиради:

Ўзинг жуда ўйлаб сўзни яхши сўзла,
Сўраганда сўзла, яна тезликда
тамом қил,
Сўзни кўп эшитгин, лекин ортиқ сўзлама,
Идрок билан сўзла, билим
билан андазада.

Сўз одоби билан боғлиқ бўлган яна бир ҳолат бор. Бу сўзни кимдан эшитиш муаммосидир. Юсуф Хос Ҳожиб Ойтўлди тилидан шундай мулоҳаза юритади:

- Сўзни донодан эшитиб, нодонга тушунтириш лозим. Улуғлар сўзини тинглаб, кичикларга етказиш керак. Албатта, кўпроқ қулоқ тутиб, озроқ гапиришга ҳаракат қилинса, яхши бўлади. Чунки кўп сўзлаш ҳеч кимни доно қилган эмас, аммо кўп тинглаш билан кўпчиликка бош бўлиш мумкин. Камгап одам билимдон бўлади, аммо сергап, эзма одамларнинг билим олишга қўли тегмайди. Донолар сўзи – билимсизлар кўзидир.

Донишманд, билағон одамларнинг сўзламаслиги уларнинг билим ва имкониятларини яширин қолдиради. Шоир назарида бу ҳам яхши эмас, тилни сўкиб бўлмайди, унинг мақтовли томонлари кўп. Умуман, тирик жон кўнгил ва тили туфайлигина муҳтарам ва азиздир. Кўнгил ва сўз бир-бирига боғлиқ. Агар сўз эгри бўлса, у кўнгилни куйдиради, уни ўртайди. Эгри сўз мукофоти сўкиш ва ҳақорат бўлади. Тўғри сўз эса кишига наф келтиради. Шунинг учун ҳам сўз тўғри бўлса сўзланмоғи, аксинча, эгри бўлса, пинҳона қолгани маъқул. Умуман сўзлашдан кўра эшитмоқ афзал. Чунки сўзловчи танини қойитади. Тингловчи эса ҳузур олади. Эшитиш туфайли киши доно бўлади. Сўзлаш туфайли киши бошидан ҳам айрилиши мумкин. Сўзланмаган сўз – олтин. Тилдан чиққани эса – мис.

Кўриниб турибдики, Юсуф Хос Ҳожибнинг тил одоби билан алоқадор бўлган фикрлари бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Уларни атрофлича ўрганиш, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига, ёш авлодга уларни етказиш муомала маданиятимиз ривожига, таълим-тарбия ишларига яқиндан ёрдам беради. Бунга шубҳа йўқ.

Бадиийлик — маънавият озуқаси

Албатта, «Қутадғу билиг»даги бадиий кашфиётлар кишини ҳайратга солади. Шоирнинг ўзи "Мен ёввойи сўзларни тутдим"дейди. Бу сўзлар замирида жуда катта фахр ва ифтихор борлигини эътироф этиш керак. Шоир ўн биринчи аср шароитида она тили – туркийда шундай мўъжизакор асар яратгани билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Адиб юзага келтирган бадиий кашфиётларнинг асар олдига қўйилган ғоявий-бадиий мақсадлар билан уйғун ҳолда юзага келгани ва қўлланганини таъкидлаш ўринлидир.

Саройда талай оч бўрилар йиғилган,
Эй элиг, саройни жуда авайлаб
сақлаб юр.
Саройдаги бўри – сарой амалдоридир.

Аммо бу истиоранинг ўзи қанчалик аниқ ва кучли таъсир қувватига эга бўлмасин, шоирни қаноатлантирмайди. Шунинг учун ҳам у «ач» сифатловчиси билан бирга қўлланади. Бу ҳолат эмоционал муносабат ифодалаши билан ҳам характерлидир. «Бўри» сўзининг ушбу гап таркибидаги маъноси мутлақо аниқ ва бошқа ҳолатлардан тўла ажратиб ҳам туради. Масалан, асарда қўлланган «кўк» эпитети билан бирга қўлланган «бўри» тамомила бошқадир. Биринчиси ахлоқий-маънавий тушунчалар билан, кейингиси эса ō маъносида ранг билан, кўчма маънода эса қадимий эътиқодлар билан боғланиб кетаётганлиги аён. Шоирнинг тасвирида ўлим "пусуғчи", яъни пистирмада туриб ўз ўлжасини кутаётган овчи бўлса, тил – қафасда турган арслоннинг ўзи. Туркий тил эса ёввойи кийик, бегона муҳитга тушиб қолган киши янги келиндай гап. Табиатнинг қиш фаслидаги кўринишиа тулнинг тўнига ўхшаса, баҳордаги дарахтлар гуллаган манзара ранг-баранг либос кийган аёлга менгзайди.

Юсуф Хос Ҳожиб тилида кўплаб иборалар ҳам бадиий тасвирнинг ўзига хослигини таъминловчи омиллардан бўлган. Асарда "кенг" деган сўз кўп қўлланган. Бу сўз инсон тана аъзоларининг айримларига қўшилиб, уларнинг катталигини эмас, балки муайян ижобий сифатини англатади. "Кенг алиг" – саховатли, сахий, очиқ қўл; "кенг кўнгул" - ҳимматли, саховатли; "кенг йурак" – ботир, қўрқмас.

Маълумки, асар қаҳрамонларининг барчаси ҳам донишманд кишилар. Шунинг учун ҳам уларда ақл-идрок, билим, заковат, олийҳимматлик билан боғлиқ сифатлашларнинг учраши табиий. Бироқ, айрим эпитетларни қаҳрамонлик эпоси анъаналари билан боғланиб кетганини ҳам ҳис этиш қийин эмас.

Муҳтарам Президентимизнинг **"тарих – халқ маънавиятининг асосидир",** деган мулоҳазаси ҳақиқат. Демак, биз унга кўпроқ мурожаат этишимиз, унинг бағридаги улкан ҳаётий ҳикматларни, мавжуд моддий ва маънавий бойликларни ёшларимизга, ўсиб келаётган авлодга кўпроқ таништиришимиз, уларнинг шу бебаҳо хазиналардан кўпроқ баҳраманд бўлишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб бермоғимиз жоиздир.

Боқижон ТЎХЛИЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

МУЛОҲАЗА

Баъзан шундай одамлар билан учрашиб қоласан: икки оғиз суҳбатлашиб, унинг нимасидир одамни бездира бошлайди. Бироз қўпол, кесатиқли, пичинг аралаш иддаоли гаплар, мантиқсиз фикрлардан энсангиз қотади. Суриштириб кўрсангиз, бу одам мутолаадан анча йироқда бўлади. Китобни жини суймайди.

Китоб мутолаа қиласизми?

Шундай одамлар бор: икки оғиз суҳбатлашсангиз танангиз яйрайди. Бутун бошли Қомусни варақлаб чиққандай бўласиз... Бундай кишиларни "суҳбати ширин" одамлар дейишади. Яна ва яна суҳбатлашгингиз, билмаган нарсаларингизни билиб олгингиз келади. Демак, мутолаа наинки, кишининг билим доирасини кенгайтиради, балки унинг маънавий-руҳий камолотида ҳам муҳим ўрин тутади.

Кўпчилик китоб мутолаа қиласизми, деган саволга унинг пулини ёки ҳаёт ташвишларини баҳона қилишади, ҳатто айримлар уни кераксиз машғулот деб билади. Аммо тарихдан маълумки, одамлар ўзларининг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун энг қаҳатчилик замонларда ҳам битта китобни от баҳосида сотиб олишган. Иккинчидан, ҳаёт қанчалик мушкулот занжиридан иборат бўлмасин ота-боболаримиз китоб мутолаасига вақт топишган-ку. Қолаверса, мутолаа ҳеч қачон кераксиз машғулот бўлмаган.

Мутахассислар эътирофича, баъзи ривожланган давлатларда ҳам китобга бўлган эҳтиёж дуруст деб бўлмайди. Масалан, ҳар доим ўзининг интеллектуал имкониятларини кўз-кўз қилиб чарчамайдиган АҚШнинг ҳар тўртинчи фуқароси китоб ўқимагани маълум. Австралияда ўтказилган социологик сўровлар кўрсаткичи бундан-да аянчли. Қўйилган савол шундай: "Шахсий кутубхонангиз борми?" Жавоб: 40 фоиз одамлар - "ҳа", 60 фоиз одамлар - "йўқ".

Яшириб нима қилдик. Биродаримизнинг ўғли тузукина шеърий машқлар қоралайди. Бир куни ундан: "Ўғилчага катта-катта шоирларнинг шеърий китобларидан олиб беринг, ўқисин, малакасини оширсин", дедим. "Дардим шу китобми, - деди биродаримиз, - ишим бошимдан ошиб ётибди. Ҳа, энди Худо пешонасига солган бўлса тузукроқ шоир бўлар... Талантни Худо кўнглига солсин..."

Бир ҳисобдан биродарим ҳақ. Бўлмайдиган кишини китобдан денгиз ясаб, Ихтиандрга ўхшатиб, ичига ботириб қўйсангиз ҳам ҳеч вақо чиқмайди. Аммо, ҳар қандай истеъдод мутолаа билан сайқал топади, улғаяди, камол топади. Яна бир гап: жаҳон адабиётини ўзининг дурдона асарлари билан безаган Толстой, Тургенев, Лермонтов, Жек Лондон, Чингиз Айтматов сингари улкан адиблар аввало ЭНГ КАТТА КИТОБХОН эканлигини хотирдан фаромуш этмаслигимиз керак. Ёши фалон жойга борган Толстой бобонинг "Илиада"ни аслиятдан ўқишга киришиб, иброний тилини ўрганишининг ўзиёқ фикримизнинг яққол исботидир. Тадқиқотчи Валерий Филипповнинг эътирофича, юз тузилиши ҳабаш, сочлари қўнғир, жингалак Пушкинни онаси негадир сарой балларига олиб боришни жоиз билмаган ва уни ота-боболаридан қолган кутубхонага қамаб қўяверган. Бекорчилик ва тутқунликдан эзилган болакай салмоғи ёстиқдай-ёстиқдай китобларни варақлаб адабиётнинг сеҳрли оламига ғарқ бўлган. Балки ўшандаёқ ҳатто Державиндай буюк шоирни ҳам лол қолдирган "Подшоҳ қишлоғи хотиралари"нинг илк сатрларидаги оҳанг, савт айни шу лаҳзалардаёқ таваллуд топа бошлагандир.

Олимларнинг тахминига кўра, китобга бўлган муносабатнинг кескин ўзгариб кетаётгани "ўргимчак тўри" дея ном олган интернет тармоғининг оммалашувидир. Бироқ ҳар қандай тараққиёт кези келганда залолатга ҳам хизмат қилиши мумкин, деган хавотир уларни мудом ўйлантириб турибди.

Хўш, сиз-чи? Кўнглингизда мутолаага бўлган рағбат кучлими? Унда қуйидагиларга амал қилинг!

1. Китобни танлай билинг ва зарурини ўқинг.
2. Китоб устида ишлаш малакасини ўрганинг.
3. Китобни мустақил ўқинг.
4. Ўқилган китобнинг мазмунини чуқур талқин этинг, унинг фусункор оламига кира билинг.
5. Ўқиганларингиздан ҳаётий хулосалар чиқаринг.
6. Лозим бўлганда зарур фикрларни махсус дафтарчага қайд этиб боринг ва нотаниш жумлаларни ёдда тутинг. Қувваи ҳофизангизни мустаҳкамланг.
7. Мунтазам мутолаа қилиш қўникмасига эга бўлинг.

Х.ПАНЖИЕВ

P.S. **Ҳозирги куннинг ана шундай муҳим масаласини битта мақолада акс эттириш мушкул. Донишмандлар кўпнинг фикри кўл, деганлар. Шу боис фикрларингизни мактублар ва телефон қўнғироқлари орқали кутиб қоламиз.**

- Социологларнинг аниқлашича, дунёда кунига роппа-роса 500 мингта китоб чоп этилади.
- Аждодларимиз ақл-идрокининг буюк ифодаси – "Авесто" (эрамиздан олдинги VIII-VII асрлар) 200 та кийик терисига ёзилган.
- Дунёда энг кўп китоб ўқийдиган миллат немис халқи ҳисобланади.
- Дунёда энг кўп китоб ўқийдиган ёшлар япон ёшларидир.
- Аждодларимиз мутолаа жараёнини қулай қилиш учун лавҳ (ёғоч ускуна)дан фойдаланишган.
- Кайковуснинг "Қобуснома" китоби диёримиздаги энг қадимий дидактик (панд-насиҳат) руҳидаги китобдир.
- Китобларнинг энг улуғи – Қуръондир. Халифа Усмон халифалиги даврида тайёрланган Қуръон китоби Ислом оламидаги энг эски манбалардан бири ҳисобланади. Уни "Усмон мусҳафи" ҳам дейишади. Мазкур китоб Соҳибқирон Амир Темурнинг саъй-ҳаракати билан юртимизга олиб келинган. Ҳозир Ҳазрати Имом мажмуасида сақланмоқда.
- Абдулла Қаҳҳор рус адиби Л.Толстойга баҳо бера туриб: "Бўйи баробар китоб ёзган", деган эди.
- Ўрта асрларда китоб қилишга ишлатиладиган энг сифатли қоғозлар – Хитой ва Самарқанд қоғозлари ҳисобланган.
- Қоғозга матн тушириш урфга кирмасдан одамлар турли тошларга, териларга ёзишган.
- Ҳозир дунёда энг кўп нусхада чоп этилаётган китоб - "Гарри Поттер"дир.

ЖАРАЁН

ТАҚДИМОТ

Китобларда давр кишилари эришган умуминсоний қадриятлар маданий бойликлар ўз аксини топиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳар бир даврда яратилган китоб ўз даврининг нодир қомуси ҳисобланади. Инглиз файласуфи Френсис Бекон айтганидек, "Китоблар замон долғаларида сузувчи ва ўзининг қимматбаҳо юкини авлодлардан-авлодларга авайлаб элтувчи тафаккур кемаларидир".

Энг яқин ҳамроҳ

Назокат УМАРОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Китоб шунингдек, ақл меваси саналади. Унда донишмандлар, алломалар қўлга киритган барча маънавий бойликлар, энг сара умуминсоний ғоялар умумлашган. Демак, китоб ўқиш доҳолар билан ҳамсуҳбат бўлиш сингари илмга, тафаккурга ташна қалбларга озуқа беради. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамияти юқори савияга эришган мамлакатларда китобхоналарга энг севимли ва мўъжизакор маскан сифатида қаралади.

Куни кеча мамлакатимизнинг илғор қироатхонаси Алишер Навоий номли Миллий кутубхонада Миллий матбуот маркази, Миллий ғоя илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда "Маънавият" нашриёти томонидан янги чоп этилган 4 та "Баркамол авлод келажагимиз таянчи", Озод Шарафиддиновнинг "Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида", Пиримқул Қодировнинг "Тил ва эл", "Ўзбек шеърияти" номли китобларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Унда тадбир ташкилотчилари, адабиётшунос олимлар, таржимонлар, кутубхона ходимлари, бир гуруҳ талаба-ёшлар ва ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни Алишер Навоий номли Миллий кутубхона раҳбари Абдусалом Умаров очиб, мамлакатимизда мустақиллик қарор топганидан кейин миллийлигимизни қайта тиклаш, буюк бобокалонларимиз меросини ўрганиш борасида қатор амалий ишлар қилингани, барча соҳалар каби нашриётлар фаолиятида ҳам туб бурилишлар юзага келгани, эътирофга лойиқ муваффақиятлар қўлга киритилгани ҳақида гапириб ўтди.

- Африканинг ёзув, ҳарфлар шаклланмаган қабилаларида бирор кекса инсон вафот этса бу ҳодисани катта кутубхона ёниб кетди, дея баҳолашар экан,-деди тадбирда Маънавият тарғибот маркази раҳбари ўринбосари, адабиётшунос Султонмурод Олим. - Чиндан ҳам ҳаётий тажрибага эга, билимли, ёши улуғ инсонларни улкан кутубхонага менгзаш мумкин. Олам тан олган даҳолар етишиб чиққан юртимизда эса азалдан китоботчилик санъати мавжуд бўлган. Демак, бизда китоблар ҳам, кутубхоналар ҳам абадий.

- Биз мураккаб глобаллашув даврида яшаяпмиз. Ёнатрофдан кўрсатилаётгн турли ахборий, "оммавий маданият" ниқоби остидаги хуружлар таъсирида улғаётган бугунги ёшлар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш муҳим,- деди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари, социология фанлари доктори Абдуғани Холбеков. - Президентимиз ҳам бу ҳақда кўп маротаба таъкидлаб, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаси дея баҳолайдилар.

2010 йил мамлакатимиз раҳбари томонидан "Баркамол авлод йили" деб ном олди. "Баркамол авлод келажагимиз таянчи" номли асарда шу йилга бағишланган Давлат дастури ва уни амалга оширишда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида қилинган ишлар, фуқароларимиз томонидан Юртбошимиз номига келган мактублар, мамлакатимиз раҳбарининг фан, маданият, спорт соҳасида улкан муваффақиятларга эришган ёшларимизга йўллаган табриклари жамланган.

Шунингдек, китобдан давлатимиз раҳбарининг маънавият, маънавий жасорат, болалар спорти, мусиқа ва санъати мактаблари фаолиятини ривожлантириш борасидаги қимматли фикрлари ва бу борада ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этишдаги кўрсатмалари ўрин олган. Мазкур китобни биз ҳеч бир муболағасиз таълим соҳасида фаолият олиб бораётган мураббийлар, талаба-ёшлар учун муҳим дастуриламал деб баҳолай оламиз.

Примқул Қодировнинг "Тил ва эл" китоби хусусида ҳам биз кўплаб ижобий фикрларни айтишимиз мумкин. Китобнинг бош қаҳрамони, характери - бу ўзбек тилидир. Адибимиз китобда итальян, француз адабиёти, тили билан Навоий асарлари тилини қиёслаш орқали олимона концепция яратган. Бу билан у ўзбек тили хазинасининг нақадар бой эканлигини исботлай олган. Чин маънода айтишимиз мумкинки, китоб адабиёт ижодхонасидан ўрин олишга муносиб, халқнинг дилидаги китобдир. Юқорида номлари тилга олинган китобларнинг ҳар иккаласи ҳам юракка кириб боради ва ақлни чархлайди.

- "Ўзбек шеърияти" китобида сараланган, давр синовларидан ўтган мумтоз шеъриятимизнинг дурдоналари жамланган,-деди "Туркистон"газетаси бош муҳаррири, шоир Салим Ашур.- Шу маънода айтишимиз мумкинки мазкур китоб ўзбек шеъриятининг кўзгусидир. Тўпламнинг яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, ўқувчи қалбга яқин ўзбек шеърларидан намуналарни инглиз ва рус тилларида қиёслаш орқали мутолаа қилишга мушарраф бўлади.

Шунингдек, китобда шоирларнинг қисқача таржимаи ҳоллари ҳам берилган. Бу ўқувчига ижодкорлар ҳаёти ҳақида маълумот олиш имконини беради.

- Бугун мамлакатимизда 105 та нашриёт фаолият юритмоқда,- деди "Маънавият" нашриёти раҳбари Суннатилло Аҳмедов.- Нашриётимизда мустақиллик йилларида буюк бобокалонларимиз меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида қатор янги китоблар нашр этдик ва бу борада янги-янги режалар асосида ишлар олиб бормоқдамиз.

Дарҳақиқат, китоб инсоннинг энг яқин ва энг яхши ҳамроҳи ва дўсти саналади. Ёшларни китоб мутолаасини севишга жалб қилиш уларни маърифат ва маданиятнинг энг юксак чўққиларини забт этишга чорлаш кабидир. Хулоса ўрнида француз ёзувчиси Виктор Гюгонинг қуйидаги фикрларини айтмоқчимиз: "Гоҳо одам китобни ўқиб тугатганда мутлақо бошқача бўлиб, ўзгариб қолади. Энг мағрур додолару, ўта назокатли сиймолар ҳам энг содда ва энг валий одамлар ҳам бу жозиба қаршисида бўйин эгадилар».

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Туризм истиқболи йўлида

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан республикамиз босма ОАВ да фаолият олиб бораётган журналистлар учун "Ўзбекистоннинг маданий мероси ҳамда туристик салоҳиятини ОАВда ёритилиши" мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.

Унда ёш журналистларга "Ўзбектуризм" миллий компанияси ва турли хусусий сайёҳлик фирмаларининг малакали мутахассислари мамлакатимизда туризм соҳасининг ривожланиш истиқболлари, бу соҳадаги юртимизнинг салоҳияти ва шу кунгача эришилган ютуқлар хусусида маълумот беришди.

Мамлакатимизда ёшлар ҳаётини бевосита ёки билвосита ёритишга ихтисослашган ОАВларнинг амалда эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш бугуннинг муҳим масаласидир. Хусусан, ОАВларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий техника воситалари, ахборот-коммуникация жиҳозлари, рақамли технологиялар билан таъминлаш, ёш журналист кадрларни тайёрлаш, уларнинг касб маҳоратини ошириш борасида кенг қамровли ишлар, янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Семинарда таъкидланганидек, туризм жаҳон иқтисодиётида юқори даромадли ва жадал ривожланиб борувчи соҳа бўлиб, халқаро ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ўринга эга. Тадбирда соҳа мутахассислари томонидан мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, янги сайёҳлик йўналишлари шаклланганги, замонавий меҳмонхоналар қад ростлаб, кўҳна тарихий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжолар қайта тиклангани, янги йўллар барпо этилганлиги борасида атрофлича маълумот берилди. Юртбошимизнинг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори сайёҳлик соҳасини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлашди.

Уч кун давом этган мазкур семинарда туризм соҳасидаги ҳамкорлик муносабатларини, Ўзбекистоннинг бу борадаги имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган қатор омиллар, "Баркамол авлод йили"да ёш журналистлар олдида турган вазифалар, ижодкорларнинг муваффақият омиллари, мамлакатимизнинг улкан салоҳияти, бебаҳо маданий меросини асраб-авайлашга имкон яратиб, юртимизда сайёҳликни янада ривожлантириш ва хорижий меҳмонлар сонини кўпайтиришга ёрдам берадиган ислоҳотлар олиб борилиши масалалари муҳокама қилинди.

Семинарда журналистлар учун "Ўзбекистонда туризмни ва туристик хизматларни ривожлантиришнинг ҳолати ва истиқболлари", "Мамлакатимизнинг халқаро туристик салоҳияти", "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг ташкил этилиши ва унинг эришган ютуқлари" мавзуларида ўқувлар ўтказилди.

Азима КИЁСОВА,
"Туркистон-пресс"

КЎРГАЗМА

Пойтахтимиздаги "Кўргазма савдо маркази"ида икки кун давом этган "Алоқабанк – юксакликка интилганлар учун" кооперацион биржа шаклидаги кўргазма очиқ акциядорлик-тижорат "Алоқабанк"нинг 15 йиллигига бағишланди.

"Алоқабанк"

юксакликка интилганлар учун

Зафар МУҲАММАД,
"Milliy tiklanish" мухбири

Кўргазманинг тантанали очилиш маросимидан олдин оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманни очиб берган "Алоқабанк" бошқаруви раиси К.Ирисбекова банк ҳақида қисқача маълумот бериб ўтди: - Бугунги кунда "Алоқабанк" Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар марказларида ўзининг 12 та филиали, 25 та мини банки, 38 та жамғарма кассалари, 15 та халқаро пул ўтказиш шахобчалари ва 37 та валюта айирбошлаш шахобчаларига эга. Жисмоний шахсларга таклиф этилаётган хизмат турларини диверсификациялаш мижозлар сонининг кўпайишига ва аҳоли омонатлари ҳисобига банк ресурс базасининг кескин ошишига олиб келди. Энг асосийси, банкимиз ўз фаолияти давомида "мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойилига оғишмай амал қилиб келмоқда. Аслини олганда, ушбу кўргазма айнан шу мақсадда, яъни мижозларимиз сонини янада кўпайтириш учун ташкиллаштирилди.

Журналистлар банк фаолияти билан боғлиқ бир қатор бошқа саволларга ҳам жавоб олишди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг ижроси юзасидан банк томонидан амалга оширилаётган ишлар, жисмоний шахсларга истеъмол кредитлари бериш, аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида ипотека кредитлари ажратиш, шунингдек, ёш оилаларга уй-жой қуриш ёки сотиб олиш, мебеллар ва узоқ муддат фойдаланиладиган зарур жиҳозлар харид қилишлари учун берилаётган бошқа кредитлар кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Шунингдек, хусусий ва кичик бизнес вакилларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилаётган кредитлар, банкротликка учраган корхоналарнинг банк томонидан қўллаб-қувватланишига оид масалалар ҳам журналистлар эътиборидан четда қолмади.

Шундан сўнг, ҳамма ташқарига, кўргазманинг тантанали очилиш маросимида иштирок этиш учун чиқди. Оркестр садолари остида саҳнага кўтарилган банк ходимларига сўз берилди. Улар банк тарихи, унинг босиб ўтган 15 йиллик йўли, келгусидаги режалар ҳақида гапиришди. Узоқ ва давомли олқишлардан кейин ҳамма кўргазмалар залига таклиф этилди.

Кўргазманинг биринчи ва иккинчи кунида банк ҳамкорлари бўлмиш компания ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ўз маҳсулотлари билан қатнашишди. Маҳсулот ва товарлар харид қилиш, хизматлардан фойдаланиш истагини билдирганларнинг барчасига шартномалар тузиш имконияти яратиб берилди. Қолаверса, омонатлар, пластик карточкалар, халқаро пул ўтказмалари ва "Интернет-банкинг" бўйича викторина ва акциялар ўтказилди. Кўргазмага ташриф буюрганлар муайян вақт мобайнида банкнинг кўпгина турдаги замонавий хизматларидан фойдалана олиш имкониятидан баҳраманд бўлишди. Кўргазма чоғида ўзига хос давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди. Унда мижозлар, банк мутахассислари ҳамда республикамизнинг бир қатор ташкилот, идоралар ходимлари иштирок этишди. Мунозара шаклида бўлиб ўтган бу мулоқотда ОАТ "Алоқабанк" фаолиятида замонавий банк хизматларини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, кўргазма доирасида "Unicon.uz" давлат унитар корхонаси иштирокчилар учун "Интернет-банкинг" тизимида ахборотларни муҳофаза қилишнинг криптографик омиллари" ва "Ахборотларни муҳофаза қилиш тизими" мавзуларида семинар ташкил этди.

Кўргазманинг тантанали ёпилиш маросимида унинг ғолиблари турли номинациялар бўйича соврин ва дипломлар билан тақдирландилар.

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

Фуқаролар мурожаати

доимий эътиборда

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, миллий институтлар фаолиятини ривожлантиришга катта аҳамият қаратиляпти.

Эркин ХЎЖАҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг самарали фаолиятини ана шундай институтлар сифатида эътироф этиш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан адлия идораларига, фуқаролик жамиятини ўрганиш институтлари билан ҳар томонлама ҳамкорлик ўрнатиш белгиланган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан 2005 йил 28 сентябрда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда Адлия вазирлиги ўртасида "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва унга риоя қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида"ги меморандум имзоланди.

Ушбу ҳужжатга асосан ҳамкорликда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида қонун ҳужжатларини доимий равишда таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар бериш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш юзасидан мониторинг олиб бориш, фуқароларнинг қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини ҳамкорликда кўриб чиқиш белгиланган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтган давр давомида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жойларда ўтказилган ўрганишлар ва бошқармага келиб тушган ариза ва шикоятларни ўрганиб чиқиш давомида кўплаб қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Вилоят адлия бошқармаси "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" бўлимига 2010 йилнинг 9 ойи давомида 3 та ариза, 79 та шикоят келиб тушди. Шикоятларнинг 62 таси кўриб чиқилиб, 33 таси қаноатлантирилди. 26 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди. 3 таси эса асоссиз деб топилди. Кўплаб фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тиклаб берилди. Жумладан, фуқаролар Р.Ўсаров, С.Ўсаров Мирзаобод йўл хўжалиги туман пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасидан иш ҳақларини олмаётганликларини ёзма аризада баён этишган. Вилоят адлия бошқармаси мутахассисларининг аралашуви билан икки фуқаронинг иш ҳақлари ундириб берилди. Фуқаро Д.Шарапова эса "Микрокредитбанк" Сирдарё вилоят филиалидан истеъмол кредитини олишда амалий ёрдам кўрсатишни сўраб ёзма мурожаат этган эди. Бошқарманинг аралашувидан сўнг бу масала ҳам ижобий ҳал этилди. Вилоят адлия бошқармаси Ж.Сулаймонова, Й.Йўлдошев, О.Ҳакимов, Р.Ҳотамов, А.Рўзиқулов каби фуқароларга ҳам ана шундай амалий ёрдам кўрсатиб, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тиклади.

Вилоят адлия бошқармасида инсон ҳуқуқларига оид тарғибот-ташвиқот ишлари намунали ташкил этилган. Хусусан, оммавий ахборот воситалари орқали 75 марта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди. Жойларда 553 та тадбир ўтказилди. Жумладан, 315 та давра суҳбати, 60 та амалий семинар ташкил этилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, инсон ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари, қадр-қимматини ҳимоя этиш соҳамиз вакилларининг энг устувор вазифасига айланган.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

«Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган демократик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнининг босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил қилган **«Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида»** мавзуидаги ижодий танлов давом этаётганлигини маълум қилади.

Танлов шартлари

Танловга 2010 йилнинг 1 январидан 2010 йилнинг 1 декабригача республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида маълумотлар (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) илова қилинади.

Ғолиблар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали мутахассис экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган ҳайъат аъзолари томонидан аниқланади.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ғолиблар диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзуидаги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2010 йил 5 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри, 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 244-15-96, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz, mmf.uz@mail.ru.

Ташкилий қўмита

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Бугунги кунда инсоният томонидан табиатга нисбатан олиб борилаётган ҳаракатлар кўплаб салбий оқибатларга олиб келмоқда. Бундан охир-оқибат одамзотнинг ўзи бузилган экосистемалар таъсиридан зарар кўраётир.

Саҳрои кабир "тажрибаси"

сайёрамизда чўллар майдони ортиб, Африка ва бошқа минтақаларда қурғоқчил иқлим ҳудудлари кенгайишда давом этса, она заминимиз келажаги, миллионлаб одамлар тақдири хавф остида қолиши мумкин

Беҳбуд БОТИРОВ,
«Milliy tiklanish» шарҳловчиси

Хусусан, Панжоб штатидаги сув танқислиги (Ҳиндистон), Тувадаги тупроқ эрозияси (Россия), Жанубий Каролина қирғоқларидаги ўлик балиқлар (АҚШ), Гондураснинг ўрмонлар кесиб ташланган тоғ ёнбағирларидаги кўчкилар, Россиядаги ўрмон ёнғинлари, Шимолий Африкада чўлланиш жараёнларининг кучайиши, Марказий Осиёда Орол денгизининг қуриши оқибатида чўлланиш жараёнлари тезлашмоқда. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Шубҳасиз, инсоният пайдо бўлганидан бери ва айниқса, XX асрда Она сайёрада чўлланиш жиддий муаммога айланди. Тупроқ емирилиши ва шўрланиши, яйловларнинг яроқсиз ҳолга келиши оқибатида экотизимлар барқарорлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги ривожига жиддий зиён етаётир. Маълумотларга кўра, Ер юзасининг 48,5 млн. км².га яқин антропоген омиллар таъсирида юзага келган. Чўлланиш жараёни деярли барча қитъаларда, кўпроқ Африка, Осиё, Австралия ҳамда Жанубий Американинг қурғоқчил иқлимли ҳудудларида кузатилмоқда. Ўрта Осиёда Орол денгизи ва Оролбўйи регионида ҳам мавжуд бўлиб, танг экологик ҳолат юзага келган. Чўлланиш 1968-1979 йилларда Африкада Сахрои Кабирнинг жанубий ҳудудларида, ғарбдан Мавритания ва Сенегалдан бошлаб, шарқда Чад ва Судан чегарасигача бўлган жуда катта майдонда рўй берган ва бу қурғоқчилик "Саҳел фожиаси" номи билан машҳур бўлган.

1994 йилда БМТ томонидан асос солинган Чўлланишга қарши кураш конвенция ерга нисбатан муҳит ва ривожланишни боғлаб турувчи ягона ҳуқуқий мажбурий халқаро келишувдир. Бир юз тўқсонга яқин мамлакат аъзо бўлган конвенция диққат марказида сайёрамизнинг 41 фоизини эгаллаган ва 2 миллиарддан зиёд одам яшайдиган қурғоқчил ерлар туради. Шу жиҳатдан ҳужжатнинг биринчи стратегик мақсади ва ўта муҳим вазифаси қурғоқчил ерлардаги одамларни қўллаб-қувватлашдир. Бу ерларда жаҳон маданий экотизимларининг 44 фоизи жойлашган. Жаҳоннинг турли бурчакларида истеъмол қилинадиган қишлоқ хўжалик ўсимликларининг ўттиз фоизи қурғоқчил жараёнларда етиштирилади. Шунга қарамай, бундай ерларнинг бешдан бир қисми 1980 йилдан бери таназзулга учраб келмоқда. Сўнгги 40 йил давомида жаҳонда ҳайдалма ерларнинг деярли учдан бири номаҳсулдор бўлиб қолган.

Орол денгизининг таназзулга учраши ва бошқа антропоген омиллар Ўзбекистонда ҳам чўлланишнинг ривожланишига сабаб бўлган. Ўзбекистон Чўлланишга қарши кураш конвенциясини биринчилардан имзолади (193 аъзо давлатдан 13чи) ҳамда мазкур Конвенция Олий Мажлис томонидан 1995 йил 31 августда ратификация қилинди. Ўзбекистон Конвенцияни имзолаб, мақсадли чоралар ҳамда ер маҳсулдорлигини сақлаш ва тиклаш, қурғоқчилик оқибатларини юмшатиш бўйича ҳаракатларни талаб қилувчи қатор мажбуриятларни бўйнига олди. Қурғоқчилик ва чўлланишга қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш Ўзгидромет зиммасига юкланган. Конвенция мажбуриятларини самарали бажариш учун 1999 йилда Миллий ҳаракатлар дастури қабул қилинди ва амалга ошириб келинмоқда. Унда Конвенцияни бажариш бўйича мамлакатнинг асосий устувор вазифалари белгиланган.

Ўзбекистонда ерлар деградацияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ва аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, замонавий технологияларни жалб этишда сезиларли натижаларга эришилди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш ва коллектор-дренаж тизимини таъмирлаш, яйловлар деградацияси даражасини камайтириш, ўрмон экинларини тиклаш бўйича муайян чоралар кўрилмоқда, эрозияга қарши тадбирлар ўтказилмоқда. Бу борада жами 100 га яқин қонун ва меъёрий ҳужжат қабул қилинди, уларнинг ижросини назорат қилиш йўлга қўйилди. Бироқ унинг самарадорлигини ошириш учун парламент аъзолари, давлат тузилмалари ва маҳаллий ҳокимият идоралари билан бир қаторда кенг жамоатчилик саъй-ҳаракатини ҳам бирлаштириш зарур.

Конвенцияда белгиланган вазифаларни изчил ҳаётга татбиқ этиш бўйича кенг кўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг "Ботаника" илмий-ишлаб чиқариш маркази олимлари ва ёш тадқиқотчилари ҳам чўлланишнинг олдини олиш, унинг аҳоли саломатлиги ва жамият ривожига салбий таъсирини камайтиришга йўналтирилган ўнлаб илмий лойиҳалар бўйича иш олиб боришмоқда. Марказ олимларининг айтишича, илмий изланишлар жараёнида Оролбўйидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш, чўлланиш жараёни кечаётган минтақаларда шўр ва қурғоқчиликка чидамли, яйловлар экотизимини мустаҳкамлайдиган ҳамда қум кўчишининг олдини олишда яхши самара берадиган ўсимликларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ана шундай изланишлар натижасида ҳозирги кунда ўндан зиёд истиқболли ўсимлик турлари ва навлари танлаб олинди. Улар асосида Оролнинг қуриган тубида ва Қизилқумда ўнлаб гектар майдонда боғ ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида ташкил этилган Ботаника боғи илмий жамоаси ҳам бу жараёнда амалга оширилаётган илмий-техник ва инновацион дастурларда фаол иштирок этмоқда. Қирқ гектардан кўпроқ майдонни эгаллаган ушбу боғда бугунги кунда маҳаллий шароитга мослаштирилган юздан зиёд манзарали ўсимлик турлари етиштирилиб, воҳанинг турли ҳудудларига тарқатилмоқда.

Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистонда чўлга айланиш жараёнлари тезлашиши ташвишли ҳолат. Бу фақатгина чўл ҳудудининг ўсиб боришидагина эмас, балки биологик маҳсулдорлиги ўзгариш даражасида ҳам намоён бўлади. Чўлланиш ер сатҳи биологик маҳсулдорлигининг камайишига олиб келади ва оқибатда аҳоли учун экологик ноқулайликларнинг келиб чиқиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турлари насли бузилишига сабаб бўлади. Сўнгги йилларда Марказий Осиёда янги чўллар майдони деярли 100 минг км.квадратга ортган, баъзи ҳудудларнинг маҳсулдорлиги эса 50 фоизгача камайган. Чўлланиш маълум даражада ижтимоий-иқтисодий кескинликка ҳам сабаб бўлади, яъни чорвачиликда маҳсулдорликнинг камайиши ва касалликлар келиб чиқишининг ўсишига олиб келади. Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда ер ресурслари шамол ва сув эрозиясидан кўп зарарланмоқда. Бу эса биздан экин майдонлари атрофида ихота дарахтларини кўпайтириш ва сувдан оқилона фойдаланишни талаб қилади.

Сайёрамиздаги ҳаёт биологик хилма-хиллик, яъни ранг-баранглик билан гўзал бўлиб, бу ранг-баранглик, гўзаллик ва бетакрорликнинг асосий манбаси сувдир. Халқимиз қадимдан сувни эъзозлаб, қадрлаб келар экан, уни бежизга оби ҳаёт, деб атамайди. Зеро, сувнинг яратувчанлик кучи шу қадар қудратлики, у ҳатто чўлу биёбонларни ҳам боғу роғларга айлантира олади. Бироқ Тожикистонда шошма-шошарлик билан, оқибатларини ўйламай ва миллионлаб инсонлар тақдири ҳақида мутлақо қайғурмай, Роғун ГЭСи каби йирик гидротехника иншоотлари қуриш лойиҳалари амалга оширилар экан, трансчегаравий дарёлар сувидан фойдаланаётган ҳудудлар тақдирига катта хавф-хатар туғилмоқда.

Роғун ГЭСи қурилиши сейсмик фаол ҳудудда амалга оширилаётганлиги сабабли қуйи оқимда яшайдиган аҳоли учун ўта хавфлилиги билан ажралиб туради. Амударё суви ҳолатининг ўзгариши айниқса, ёз мавсумида сувнинг камайиши унинг маъданланиш (минерализация) даражасининг бир неча марта ошишига олиб келиб, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг кескин камайишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Роғун ГЭСи қурилиши каби лойиҳаларнинг минтақадаги экология ва сув мувозанатига таъсири, шунингдек, техноген фалокатлар таҳдидларини келтириб чиқариши мумкинлигини ҳисобга олиб, уларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги хусусидаги принципиал масалани қатъий қўймоқда. Минтақа келажаги ва кейинги авлодлар тақдири ҳақида қайғурадиган ҳар қандай инсон бу фикрнинг тўғри эканлигини англаб етиши ва уни тўлиқ қўллаб-қувватлаши шубҳасиз.

Айни пайтда олимларимиз ботаника фанининг долзарб масалаларига оид кўплаб илмий изланишларни давом эттирмоқда. Бу жараёнда биологик хилма-хилликни асраш, чўлланиш, шўр ва қурғоқчиликка чидамли навларни маҳаллийлаштириш, Оролбўйидаги экологик мувозанатни барқарорлаштиришда фан ютуқларидан кенг фойдаланиш, доривор ўсимликларни муҳофазалаш сингари долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олимларнинг тадқиқотлари Марказий Осиё шароитларида чўлланиш жараёнини кўп ҳолларда орқага қайтариш ҳамда мелиоратив ишларини олиб борганда таназзулга учраган экологик тизимларни қайта унумдор ерларга айлантириш мумкин, деган хулоса чиқаришга замин яратди.

● Чўлланиш табиий ўтлоқлар, лалми деҳқончилик ёки суғориш зоналарини қишлоқ хўжалик унумдорлигини 10 фоиз ёки ундан кўпроқ пасайиши билан чўлларга айланиш жараёнидир.

● Олимларнинг фикрича, чўлланишга қарши курашда асосий эътиборни профилактика чора-тадбирларининг амалга оширилишига қаратиш лозим. Суғориладиган ерларда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш, дренаж тизимларини реабилитация қилиш ва ривожлантириш, республикамиз тупроғини ҳар томонлама ўрганиш шулар жумласидан.

РАНГИН ДУНЁ

Инсон ҳаётини она табиатнинг ажралмас қисми бўлган ўсимликларсиз тасаввур этиш қийин. Яшил дунё мўъжиза ва сир-синоатларга ниҳоятда бойдир. Айниқса, ранг-баранг ўсимликлар олами ғаройиботларга тўла.

Яшил дунё мўъжизалари

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
«Milliy tiklanish» мухбири

Табиат ўз бағридаги ҳар бир ўсимликни она мисоли эъзозлаб, кунт билан парваришлайди. Унинг униб-ўсиши, барқ уриб яшнаши ва насл қолдириб, асрлар оша сақланишига кўмаклашиб келади. Кўҳна табиат маҳсули бўлмиш ўсимликлар дунёси инсоният томонидан тугал ўрганилмаган. Шу боис, ўсимликларнинг эволюция жараёни, ички дунёси, ақлбовар қилмас биологик хусусиятлари, қолаверса, келгуси наслларга мерос бўлиб ўтган ирсий белгилар мана неча асрлардан бери олимларни ром этиб келади.

Ер шаримизда гиёҳ ўсмайдиган маконлар кам. Ўсимликларни океан ва денгиз сувларида, дарё ва кўлларда, ҳатто сувсизликдан қақраб ётган чўлу биёбонларда ҳам учратиш мумкин. Ҳар бир ўсимлик ўзига хос хусусиятга эга. Кўзимизга оддий бўлиб кўринган ўсимлик дунёнинг аллақайси мамлакатида тенгсиз ҳисобланиши мумкин. Чунки, ҳар бир мамлакатнинг флораси такрорланмас бўлади. Масалан, бизнинг юртимизда ўсадиган ширинданшакар узум, қовун, тарвуз, анор ва анжирлар тайга зонасида истиқомат қилаётган халқлар учун тансиқ ҳисобланади. Ёки Сейшил оролида ўн йил давомида пишиб етиладиган оғирлиги 25 килограмм келадиган ёнғоқлар, танасида 200 литргача сув сақлайдиган Мексика кактуслари ёки диаметри бир метргача борадиган Суматра оролидагина ўсувчи раффлезия каби гигант гуллар маҳаллий халқлар учун оддий ўсимлик бўлиб кўринса-да, биз учун ғаройиб туюлиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, сайёрамиз ғаройиб ўсимликларга жуда бой. Улардан бири дунёдаги энг баҳайбат гул — раффлезиядир. Уни Индонезиянинг намтропик ўрмонларида учратиш мумкин. Айтишларича, раффлезия дунёдаги энг улкан, шу билан бирга ўзидан энг ёқимсиз ис таратувчи бадбўй гул ҳисобланади. Унинг 12 хил тури бўлиб, энг каттаси Суматра оролидаги «Раффлезия Арнолди» гулидир. Илк бор раффлезияни 1818 йили Суматра оролида тадқиқот олиб борган олимлар Стемфорд Раффлез ва Жозеф Арнольдлар аниқлашган. Маҳаллий аҳоли ушбу гулни «бунга патма»(«нилуфар гул»маъносини билдиради)деб ҳам аташади.

Энг қизиғи, раффлезия ҳашоратларни ўзига маҳлиё қилиб, улар ёрдамида чангланади. У ирсий белгиларини сақлаб қололган, ҳамиша ривожланишда давом этувчи гуллар турига киради. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бир неча миллион йил аввал раффлезия 2 миллиметр ҳажмдаги гул кўринишида бўлган. Айни пайтда гулнинг диаметри бир метр, оғирлиги 7 кг.келади. Раффлезияни пояси ҳам, барги ҳам йўқ. У фақат бешта гул япроқларидан иборат, холос. Агар гул чангланмаса бир неча кун яшайдида қора массага айланиб нобуд бўлади. Бироқ, чангланган раффлезия орадан етти ой ўтиб гул мевасини тугади. Мева ичида 2 млн.дан 4 млн.гача уруғ мавжуд бўлади. Асосан пашшалар бадбўй гулни чанглатиши оқибатида гул йўқолиб кетмаган. У мустақил равишда кўпая олмайди. Шунингдек, уруғлар ташқи омил туфайли, яъни фил оёғи билан гулни янчиб ташлаганида унга ёпишиб қолган уруғлар бошқа ерларга бориб қолади ва униб чиқади.

Олимлар узоқ вақтгача раффлезия қайси ўсимликлар турига кирар экан, деб кўп бош қотиришган. Ҳатто, генетик олимлар орасида ҳам бу борада кўплаб баҳс-мунозаралар олиб борилган. Маҳаллий аҳолига эса унинг қайси ўсимлик турига кириши мутлақо аҳамиятсиз. Негаки, улар узоқ даврлардан буён бу ўсимликдан бир қанча касалликларда дори сифатида фойдаланиб келишади. Ҳозирги кунда мутахассислар Индонезия ботаника боғида раффлезияни сунъий равишда ўстириш устида тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Қарангки, сайёрамизда раққоса гуллар ҳам бор экан. Тадқиқотчи олимлар кузатувлар чоғида қуёш нурлари остида рақс тушаётган гулларни аниқлашади. Бироқ, олимлар қуёш нурида тебранувчи гул сирини барибир топа олишмайди. Бу гулни томоша қилгани дунёнинг турли бурчакларидан сайёҳлар атайлаб келишар экан. Гул эса ўз навбатида чарчаш нималигини билмай, ғаройиб рақси билан ҳаммани лол қолдириб келмоқда.

Жанубий ва Марказий Америка ҳудудида жуда ҳам таъсирчан гул ўсади. У шунчалар уятчанки, ҳатто ёнидан шамол ўтиб кетса ҳам баргларини тўкиб юборади-да жонсиз, қуриган гулга айланиб қолади. Бу айёр гулни «Мимоза» деб аташади. Энг қизиғи, у жонсиз ҳолатдан яна бир неча дақиқа оралиғида асл ҳолига қайта олади. Шундай қилиб, Мимоза кунига бир неча бор сўлиган ёки янги униб чиққан гул сифатида кўрина олади.

Жанубий Африкада ўсадиган ноёб гул «Euphorbia obesa» бейсбол коптоги кўринишида бўлиб, дунёда машҳур гул, деб топилган. Дарҳақиқат, бу гул ниҳоятда камёб. Негаки, у ер юзининг бошқа ҳеч қаерида учрамайди. Ҳозир кўплаб коллекционерлар ботаника боғларида гулнинг ушбу турини кўпайтириш устида иш олиб боришмоқда.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Амалдаги партия ғолиб



Озарбойжон парламентига сайловлар якунланди.

Унда амалдаги ҳукумат тепасида бўлган "Янги Озарбойжон" партияси ғалаба қозонган. Бу ҳақда партиянинг раиси ўринбосари Али Аҳмедов матбуот анжуманида маълум қилган. Унинг таъкидлашича, муваффақиятли ўтказилган сайлов кампанияси ҳамда халқнинг партия етакчиси – президент Илҳом Алиевга нисбатан ишончи шундай дейишга асос бўлган.

Фермерлар ери

БМТнинг етакчи озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича эксперти жаҳон бўйлаб кичик фермерлар ўз ерларидан ажралаётгани оқибатларидан огоҳлантирган.



Эксперт Оливер де Шаттер фермерларнинг ерларини йўқотаётганига уч омил сабабчи бўлаётганини айтган. Булар йирик корпорациялар, атроф-муҳит деградацияси ҳамда урбанизация муаммоларидир. Мутахассисларнинг фикрича, саноат миқёсининг кенгайиб бораётгани, шаҳарлар янада йириклашишига олиб келмоқда. О.Шаттернинг огоҳлантиришича, ҳар йили жаҳонда Италия ҳудудига тенг деҳқончилик ерлари йўқотилаётир. Бундай хавотир, айниқса, ривожланаётган мамлакатлардаги ердан фойдаланиш борасидаги катта баҳсу мунозараларнинг таркибий бир қисмидир.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
e-mail: milliyt@sarkor.uz
Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1023, Адади — 2514

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-69-55, 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Саҳифаловчи:
Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Камолиддин ҲОТАМОВ
Навбатчи:
Сайёра ҲАЙИТБОЙ қизи

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 24.00.

1 2 3 5

КЎЗГУ

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

«Ёшлар фестивали» уларни бирлаштирди

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури юзасидан Навоий вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси аниқ режа асосида фаолият олиб бормоқда.

Жумладан, яқинда вилоят соғликни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда "Биз ёшлар гиёҳвандликка қаршимиз" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Тадбирда Республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими раҳбари Баҳо Саидов гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари, улуғ бобокалонларимиз Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди каби халқимиз қалбидан ўрин олган инсонлар ҳақида гапириб, улар ёшларимиз учун намуна бўлиши лозимлигини таъкидлади. Тадбирда вилоят соғликни сақлаш бошқармаси масъуллари келажак авлодни соғлом ва эътиқоди кучли инсон бўлиб етишишларида гиёҳвандликка қарши курашиш зарурлиги, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар хил иллатлардан ҳимоя қилиш долзарб вазифа эканлигига эътибор қаратдилар.

Фестиваль катта концерт дастурига уланиб кетди. "Наво"гуруҳининг хонанда ва рақҳосалари, вилоятнинг бир гуруҳ санъаткорлари ва Кармана тумани ҳамда Бухоро вилоятидан ташриф буюрган дорбозчилар ёшлар томонидан яхши кутиб олинди ва байрам дастурига файз киритди.

Қадриятлар танлови

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти маркази, Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси, "Ҳунарманд" уюшмаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида шу йилнинг ноябрь ойи охирида ўтказиладиган "Баркамол авлод йили"га бағишланган "Оналар куйлаганда", "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" номли анъанавий республика кўрик-танловига катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад оиладаги маънавий муҳитнинг посбонлари бўлмиш хотин-қизларда мафкуравий тафаккурни кенгайтириш, номлари кўпчиликка таниш бўлмаган, юртимизнинг энг чекка қишлоқларида алла, тўй маросимларида ижро этиладиган ёр-ёрлар, лапар ва ўлан ижрочилари, шунингдек, дўппидўзлик санъати билан шуғулланувчи янги иқтидор соҳибларини кашф этиш ҳамда улар ижодини кенг тарғиб этишдир.

Мухтасархон КАРИМОВА

ХАТТОТЛИК

Юртимизнинг тарихий обидаларида, қадимий биноларнинг пештоқларию равоқларида хаттотлик, безак санъатининг ажойиб намуналари сақланган. Мазкур намуналарда у ёки бу фикр моҳирлик, санъаткорона дид билан ифода этилган. Нафис, айни вақтда турфа нақшлар билан безатилган бу битиклар юртимиз хаттот ва наққошларининг юксак маҳорати, бой дунёқарашидан далолатдир. Безак усуллари, хаттотлик услублари хилма-хиллигига қарамай, уларни гўзаллик ва нафосат туйғуси бирлаштириб туради.

Нақшинкор битиклар

жуда кўп. Лекин ҳали тўлалигича тадқиқ қилинмаган



Шу маънода "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан мамлакатимиздаги қадимий архитектура иншоотларида муҳрланган битикларни тадқиқ қилиш ва уларни альбом сифатида нашр этиш лойиҳаси устида иш олиб борилаётгани айни муддаодир. Шу йилнинг 8-9 май кунлари мазкур жамғарма ҳамда ЮНЕСКО ташаббуси билан Хива шаҳрида ташкил этилган "Асрлар садоси – 2010" фестивали доирасида ўтказилган "Ўзбекистоннинг маданий мероси: хаттотлик ва меъморий эпиграфика санъати" мавзуидаги халқаро илмий анжуман ана шу ташаббусга йўл очди.

Тошкентда 9–14 октябрь кунлари ҳар йили маданият, санъат ва мода доирасида ўтказиладиган, халқаро жамоатчилик эътиборини тобора Марказий Осиёга кўпроқ қаратаётган Art Week Style.uz-2010 лойиҳаси бўлиб ўтди. Ҳафталик давомида пойтахтимиздаги "Марказий" меҳмонхонасида "Тарихий-маданий меросни асраш: назария, амалиёт ва коллециялаш" мавзуида халқаро илмий-назарий анжуманда эса бош мавзу – тарихий-маданий меросни ўрганиш, шунингдек, коллекциялаш, музейлар амалиёти ва хусусий тўпламлар бўлди. Унда Ўзбекистон, Испания, Россия, Озарбойжон, Туркманистон, Қозоғистон, Франция, Япония, Миср, АҚШ, Германия каби мамлакатлардан археологлар, санъатшунослар, музейшунослар, файласуфлар, маданиятшунос ҳамда этнографлар иштирок этдилар. Деярли барча иштирокчилар ўз маърузаларини нафақат фотоматериаллар, балки тарихий факт ва деталлар билан бирга тақдим этдилар. Уларнинг ҳар бири соҳага оид муаммони аниқ кўрсатиб, унинг ечимини ҳам таклиф қилдилар. Зеро, тарихий обидалар бағридаги битиклар ўтмиш аждодларимиз дунёқараши, орзу-ҳаваси, интилишини акс эттириб туради.

Тарихга назар ташласак, VIII аср охири, X аср бошларида Мовароуннаҳр бадиий ҳунармандчилигида хаттотлик санъатидан фойдаланила бошланганини кўрамиз. Ўша даврда сопол, мис, бронзадан ясалган буюмларни безашда хаттотлик санъати қўлланилган. Шунингдек, бу санъат Шарқ меъморчилиги ёдгорликлари – масжид, мадраса, мақбаралар безаги таркибига ҳам кириб кела бошлади. Араб алифбосидаги эпиграфик ёзувларни тош буюмлар, ёғоч ўймакорлиги, гилам ва сўзаналар, тўн, тумор ва заргарлик санъати буюмларида учратиш мумкин.

Бухорода жуда кўп тарихий обидалар бор. Бироқ улардаги битиклар ҳали тўлалигича тадқиқ этилмаган. Ёзувларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларда подшоҳларнинг фармонлари, меъморларнинг исм-шарифлари, турли саналар, хронологик воқеалар, Аллоҳни мадҳ этувчи оятлар, ҳадислардан иқтибослар, Шарқ мумтоз адабиёти дарғаларининг шеър ва ғазалларидан намуналар, марсиялар, ҳикматлар битилган.

Улардаги ёзув турлари ҳам хилма-хил. Хаттотлик санъатидаги классик ёзувлардан ҳисобланмиш кўфий, сулс, насх, настаълиқ, ёқутий, муҳаққақ каби хат турлари билан битиклар ёзилган. Масалан, Бухоро шаҳридаги Мирзо Улуғбек мадрасасида сулс хатида ёдгорликни бунёд қилган меъмор номи "Исмоил ибн Тоҳир ибн Маҳмуд Исфаҳоний" деб битилган. Дарвоза устида Расулуллоҳ с.а.в. нинг "Талабул илми фаризатун ала кулли муслимин ва муслима" ("Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздир") деган ҳадисларини ўқиш мумкин. Ёки Болойи ҳавз масжидининг деворида сулс хатининг тавъам (эгизак) услубида "Шифоул қулуб ликоул маҳбуб" ("Севиклига йўлиқиш қалблар шифосидир") деган ҳикмат битилганини кўрамиз.

Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси тарихий ёдгорликларида ҳам бундай ёзувлар кўп учрайди. Масалан, мажмуа "Салом" дарвозасининг муқарнасида унинг қурилган йили ва усталар номи настаълиқ хатида "Амали усто Муҳаммад Саид. 1229.", яъни "Уста Муҳаммад Саиднинг иши. 1229." ва "Амали Муҳаммад Абдулҳолиқ ибн Судур. 1808." – "Уста Муҳаммад Абдулҳолиқ ибн Судурнинг иши. 1808." деб ёзилган. Мажмуадаги миноранинг устида форс тилида настаълиқ хатида "Оқибат хайр бод. 1332." ("Оқибат хайрли бўлсин. 1332") ёзуви битилган. Биби Орифа масжиди ҳовлисидаги устунда "Сана 1287-1866 йил" ёзувини ўқиш мумкин. Масжид ичидаги устунда эса шундай ёзув бор: "Амали усто Мирзо Турсун Қасри орифоний. 1272" ("Қасри орифонлик уста Мирзо Турсуннинг иши. 1272".)

Умуман олганда, юртимизда сақланаётган эпиграфик ёзувлар халқимиз маънавиятининг ажралмас бир қисмидир. Бебаҳо мерос саналган бу битиклар аҳоли, хусусан, ёшларнинг қадимий тарихимиз, маънавиятимиз, меъморчилик анъаналари тўғрисидаги билим ва тасаввурларини янада бойитишда муҳим аҳамият касб этади. Тарихий обидалар эпиграфикаси жамланиб альбом ҳолатида нашр этилиши мамлакатимизда осори атиқаларни асраб-авайлаш, уни келгуси авлодларга асл ҳолича етказиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганидан нишонадир.

Комилжон РАҲИМОВ,
Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази илмий ходими

ЎГИТ

Билимсизда кўп дард, касаллик бўлар,
Агар эмламасанг дарди бор ўлар.

* * *

Тилинг гўё беркда ётувчи арслон,
Бўш қўйсанг бошингни егай ўша он.

Юсуф Хос Ҳожиб

БИЛАСИЗМИ?

Гавай ороллaридаги Вай-Апе-Але тоғида йилига 350 кун тинмай ёмғир қуяди.

* * *

Чили шимолидаги Атакама чўлида бир неча ўн йиллардан бери ёмғир ёғмайди. Бу ерда ёғингарчилик 100 йилда икки-уч бор қайд этилган, холос.

ТУРФА ОЛАМ

Қадимги пингвинлар

Перуда олиб борилаётган қазишмалар чоғида америкалик биологлар ажойиб топилмага дуч келишди.



Тўғрироғи, Техас университети олимаси Юлиа Кларк бошчилигида бир гуруҳ олимлар Reserva nacional de paracas миллий боғидан улкан Incayacu paracaensis пингвинларининг суяк қолдиклaрини топишган. Ўшанда бу жониворларнинг бўйи бир ярим метр бўлиб, ҳозирда мавжуд император пингвинларидан икки баравар катта бўлган. Қизиғи шундаки, орадан анча асрлар ўтишига қарамай пингвинларнинг патлари ўзининг асл ҳолини йўқотмаган. Қора-оқ тусдаги замонавий пингвинлардан фарқли ўлароқ, ўшанда ушбу оила вакилларининг пати кулранг ва жигарранг бўлган экан.

Телефонлар мамлакати

Жанубий Корея аҳолисининг қарийб 93 фоиз аҳолисида уяли алоқа воситаси бор.

Шу боис, уни бемалол телефонлар мамлакати дейиш мумкин. Сўнгги маълумотларга қараганда, бугунги кунда битта корейс оиласига 2,75 дона "сотка" тўғри келаётган экан. Осиёдаги мазкур мамлакатда 48,6 млн. киши истиқомат қилса, уларнинг 45,6 млн. нафари фан-техниканинг ушбу ютуғидан фойдаланади. Шундай қилиб, Жанубий Корея бу борада дунё бўйича эгаллаб турган етакчи ўрнини янада мустаҳкамлаб олди. Мутахассисларнинг фикрича, уяли алоқа воситалари сонининг кескин ошиб кетишига молиявий инқироз ҳам халақит қилолмаган. Корейс халқи мобил алоқа аппаратидан қўнғироқ қилиш, SMS ёзиш, веб-серфинг (интернетда саёҳат қилиш), мусиқа эшитиш, электрон харид қилиш мақсадида фаол фойдаланадилар.

Беқарор тош

Бундан роппа-роса ўн йил аввал Бразилиядаги конларнинг биридан қимматбаҳо зумрад тошлари ёпишиб қолган харсангтош топилган эди.

Ўшандан буён ушбу тошнинг эгаси топилгани йўқ. Нақд 380 кило келадиган қимматбаҳо тош шу кунгача ажаб савдоларни бошидан кечирган. Охирги оқибат тош Катрина тўфони чоғида сув тубига ғарқ бўлади. Бироқ, хазина изловчилар яна уни топиб олиб, пуллаб юборишади. Тош қўлма-қўл бўлавергач, маҳаллий полиция тошнинг ҳақиқий эгаси топилгунга қадар ўзида олиб қолади. Ҳозирда ушбу беқарор тош Лос-Анжелес шерифининг темир қутисида сақланмоқда.

Янги лойиҳа

«Yahoo» компанияси интернет орқали телеканалларни намойиш этиш лойиҳасини амалга ошириш истагида бўлган ҳамкорлар рўйхатини эълон қилди.

YAHOO!

Унга кўра, яқин орада «Yahoo» ҳамкорлари билан биргаликда интернет ҳамда телевидениени ўзида мужассам этувчи янги дастурни бозорга чиқаради. Эндиликда телеканалларни кўриш учун телевизор ёки алоҳида антеннага зарурат бўлмайди. Бундан буён одамлар тўғридан-тўғри интернет орқали ўз компьютерларида исталган телекўрсатув ёки фильмни томоша қилишлари мумкин. Лас Вегасда ташкил этилган мижозлар учун электроник жиҳозлар кўргазмасида Yahoo ушбу лойиҳани амалга ошириш учун «Samsung», «LG», «Sony» ҳамда «Vizio» электроника фирмалари билан битим тузганлигини маълум қилди. Ушбу компаниялар «Yahoo» тақдим этадиган интернет-телевидениени қўллаб-қувватловчи зарур техник мосламаларни ишлаб чиқаришга ёрдам беради.

Зафар МУҲАММАД тайёрлади

«Ўзбекистон-Молдова» дўстлик жамиятига тегишли юмалоқ муҳр ва штамп йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**